



Вахоб Рахмонов ва Янглиш Эгамова таржимаси

Масъул мухаррир: Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Азиз КАЮМОВ.

Такризчилар: тарих фанлари доктори Абдумажид МАДРАИМОВ, филология фанлари доктори Ансориддин ИБРОХИМОВ, шаркшунос Гулом КАРИМОВ.

Сўз боши ва изоҳлар муаллифлари: Вахоб РАХМОНОВ, Янглиш ЭГАМОВА

Сўнгсўз муаллифлари: Зокиржон МАШРАБОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими. Вахоб РАХМОНОВ, Халқаро Бобур мукофоти совриндори.

СЎЗ БОШИ ТАРИХЛАР ГУЛИСТОНИ

«Тарихи Рашидий» ва унинг муаллифи Мухаммад Хайдар мирзо хакида
Бу чиндан ҳам кўнгилни ром этадиган бир китобки, Куръони каримда «У жой (жаннат)да кўнгиллар тилайдиган ва кўзлар лаззатланадиган барча нарсалар бордир» (43.71) дейилганидек, чиройли сўз ва иборалар билан зийнатланган ва ўхшаши йўқ бир асарки, унда ажойиб-шройиб хикоялар, кўз кўриб кулок эшитмаган нарсалар, ҳар қандай унвон ва амал эгалари қилган хайрли ишлар ҳам, хатою нуксонлар ҳам очик-ойдин ёзилган. Бу шундай китобки, унинг хақиқийлиги ва тарбиявийлиги фақир ва бойлар учун зарур ҳамда жуда фой-далидир. Ундаги фикрлар ва панд-насихатлар иззат-хурматли кишилардан ибрат олишга ва оғох бўлишга ундайди. У шун-дай бир китобки, мамлакат ишларида қилинадиган, давлат ва ҳукумат арбобларига тегишли қўлланма, лашкарбошилар, баходирлар учун муҳим чора-тадбирлар йўл-йўриқдир (Мирзо Мухаммад Хайдар. «Тарихи Рашидий». Шинжонг халқ нашриёти, Урумчи, 2007, 12-бет.).

Мухаммадниёз Абдулшфур ўгли Ниёзий

Марказий Осиё мамлакатлари хақида ёзилган фундаментал тарихий асарлардан Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» («Зафарли юришлар достони»), Фазлуллох Рашидиддиннинг «Жомеъ ут-таворих» («Тарихлар тўплами»), Хамидуллох Муставфийнинг «Тарихи гузида» («Сараланган тарих»), Отамалик Жувайнийнинг «Тарихи жахонкушой» («Фотихлик тарихи»), Мухаммад Мирхонднинг «Равзат ус-сафо» («Поклик боги»), Хофиз Таниш Бухорийнинг «Абдулланом», Шермухаммад Мунисининг «Фирдавс ул-икбол» («Саодат боги»), Захириддин Мухаммад Бобурнинг «Бобурнома» асарлари каторида Мухаммад Хайдар мирзонинг «Тарихи Рашидий» асари ҳам алоҳида ўрин тутди. Ўзбекистон ва жаҳон тарихчи олимлари «Марказий Осиё хақидаги ягона мукамал асар» деб бир огиздан тасдиқлаган «Тарихи Рашидий» нафакат Мўғулистон, айти пайтда Ўрта Осиёнинг ўша даврдаги йирик шаҳарлари Андижон, Тошкент, Хўжанд, Сайрам, Туркистон, Ўратепа, Самарканд, Бухоро, Карши, Хисор, Кундуз, Марв ва бошқа мамлакатлар: Афғонистон, Покистон, Хиндистон, Шарқий Туркистон ва Кашмирнинг XV-XVI асрлардаги тарихини ўрганишда бирламчи асосий манбалардан бўлиб хизмат қилади. Бежиз эмаски, машҳур япон олими Эйжи Мано XV-XVI асрлардаги Марказий Осиё тарихини Захириддин Мухаммад Бобурнинг «Бобурнома» ва Мухаммад Хайдар мирзонинг «Тарихи Рашидий» асарлари тадқиқи асосида яратиш мумкинлигини «Бобур ва унинг даври» фундаментал монографияси билан исботлади. «Чигатой ва мўғуллар тарихини тадқиқ қилиш учун биз фойдаланган асосий тарихий манбалар - Бобурнинг «Бобурнома»си ҳамда Мирзо Мухаммад Хайдарнинг «Тарихи Рашидий» асаридир ... - деб ёзади у, - Марказий Осиё Бобур ҳаётлигида мўғул, чигатой, ўзбек, козок ҳамда уйратлардан ташкил топган олтой халқларига мансуб бўлган кишиларнинг фаолиятларига гувоҳ бўлган. Асарнинг ушбу жилди Бобурга қон-қариндош бўлган чигатойлар ва Бобур яқин алоқада бўлиб келган мўғулларга диққатингизни жалб этади. Ҳар икки улуснинг тадқиқот учун танланганига сабаб шуки, бу улуслар сиёсий жихатдан фаол бўлишган. Бобур яшаган XV ва XVI асрларда чигатой ва мўғуллар Марказий Осиё тарихида теурийлар салтанати, мўғуллар салтанати, шунингдек, мўғул хонлиги каби номлар билан машҳур бўлган буюқ давлатларнинг ҳукмдорлари сифатида катта аҳамиятга эга бўлишган».

Мухаммад Хайдар мирзонинг «Тарихи Рашидий» асарининг ялпи воқеа-ҳодисалар кўлами хусусида бу китобнинг туркий таржимони Мухаммадниёз ибни Абдулғафурнинг фикрлари бизга маъқул бўлгани учун табаррукка шу матнни келтирамиз: «Тарихи жахонкушой», «Мажмаъ ат-таворих» (Тарихлар тўплами), «Тарихи гузида» (Сараланган тарих), «Тарихи манзума» (Шеърий тарих), «Зафарнома» ва яна бир қанча машҳур тарихий китобларнинг ҳаммаси Ирок, Хуросон, Мовароуннахр олимларининг асарлари бўлиб, буларда фақат ўша ерлардаги подшоҳларнинг ахволлари ёзилган, холос, улардан бошқа воқеалар тилга олинмаган. Мўғул хонларининг зикри ва насл-насаблари, хол-ахволларини баён қиладиган бирор китоб ёзилмаган. Фақат «Тарихи Рашидий» китобигина Мирзо Мухаммад Хайдар кўрагон ибни Мухаммад Хусайн кўрагон (Аллох таоло уларнинг гўрларини нурафшон қилсин)нинг асари бўлиб, уни хижрий 951 йили

Абдурашидхон ибни Султон Саидхон номига багишлаб ёзган. Унда Туглук Темурхон зикридан то Абдурашидхон ва Хумоюн подшоҳ хақидаги воқеаларгача бўлган ахволлар тартиби билан ёзилган ва тутган ўрни эътибори билан ҳар қайси хон ва подшоҳнинг ахлоқи тафсилоти баён қилинган. Шунингдек, Мўғулистон заминининг кенглиги, об-ҳавоси ва Кошгар, Ёрканд, Хўтан вилоятларидаги шаҳар, имо рат, қабристон, саҳро, боғлар, дарёлар, тоғу чўллари ҳамда бу жойлардаги халқларнинг урф-одатлари, расму қодалари имкон борича текширилиб, қузатилиб ва аниқланиб батафсил баён қилинган. Шу нарса аниқки, бу вилоятларнинг таърифи ва мўғул хонларининг зикри бошқа бирорта китобда тилга олинган эмас. Гарчи баъзи тарихий асарларда тасодифий унча мунча айтилган бўлса-да, булар жуда қиска маълумотлардир. «Тарихи Рашидий»да бўлса, махсус мўғул хонлари хақидаги ҳикоялар ва Мўғулистондаги воқеалар шунчалик муфассал ўз ифодасини топганки, ундан ортигини тасаввур қилиш мумкин бўлмаса керак».

«Тарихи Рашидий» асарида аввало подшоҳ ва хонларнинг олти сулола силсиласи кенг уфқларда жуда усталик билан тизилади ва уларнинг туташув халқаларига алоҳида аҳамият берилади: Темурий, бобурий, шайбоний, мўғул хонлари, козок хонлари ва сафавийлар шажаралари узвий мунтазам тарихийликда ёритилади. Бундан ташқари, асарда қирғиз бийлари ҳукмронлиги ҳам тилга олинади. Машҳур тарихий фундаментал асарларда бунчалик кўп сулолалик манзара сийрак қузатилади.

Амир Темур бошлиқ сулола тарихи Соҳибқироннинг мўғулларга қарши беш маротаба юриши билан бошланганидек, кейинги темурийларнинг Мўғулистонга юриш қилиб Отбоши ва Ёркандни эгаллаганларигача кечган воқеалар тизими китобхон диққат-эътиборига тақдим этилган. Муаллиф бу сулола-ланинг икки вақилини алоҳида ажратиб, улар фаолиятини кенгрок ёритади. Булар Амир Темур ва Абусаид мирзодирлар. Дарҳақиқат, Алишер Навоийдай даҳо ҳам Абусаид мирзони жаҳонгир дея, унинг ҳукмронлик қабзасига Хито (Шарқий Туркистон)дан бошлаб Кавказ Қорабоғигача ҳудудлар қирғанини қайд этгани бежиз эмасди. Мухаммад Хайдар мирзо сўнги улуғ ҳукмдор Султон Хусайн мирзо фаолиятини ёритишда унинг бунёдкор ва маърифатпарвар шахсини ўша замондаги Хирот маданият муҳити манзарасини муқаммал қаламга олиб намойиш эта олган.

Ўзбеклар ҳукмронлигини эса Абулхайрхондан бошлаб, ундан кейинги йирик ҳукмдор Шоҳибекхон Шайбоний фаолиятида кенг ёритади. Муаллиф ўзи мансуб оилалар ҳам мўғуллар, ҳам темурийларнинг аёвсиз душмани, зўравон Шоҳибекхоннинг улкан зафарларини фожияли ўлимини тарих учун ибратнома тарзида таъсирчан қилиб талқин эта олган. Ундан кейинги Суюнжикхон ва Убайдуллохон ҳарбий ҳаракатларини ҳам жуда ҳаққоний ифодалаб берган.

Мўғул хонлари тарихига қелсак, асарнинг асосий қисми уларга ажратилган. Амир Темурга замондош мўғул хони Туглук Темурхондан (1330-1363) бошлаб XVI асрнинг етмишинчи йилларигача ҳукмронлик қилган ушбу сулола шажаралари ўта муфассаллиги ва ҳаққонийлиги билан «Тарихи Рашидий» асарида ўз талқинини топган.

Мухаммад Хайдар мирзо мўғул хонлари тарихини уч сабабга қўра Туглук Темурхондан бошлайди. Унинг шажараси: Туглук Темурхон Эсан Бугахон ўғли, у Дувожихон ўғли, у Барокхон ўғли, у Қора Исун ўғли, у Мотукан ўғли, у Чигатой ўғли, у Чингизхон ўғли... Уч сабаб эса:

Биринчиси - Туглук Темурхонгача бўлган тарихий воқеалар тарихга оид асарларда

ёзилган-у, унинг даври ёритилмаган, ундан кейинги хонлар тарихи ҳам ёзилмаган. Иккинчиси - Туглук Темурхонга насиб этган улуглик ва салтанат ҳеч бир кейинги хонга насиб этмаган.

Учинчиси - Туглук Темурхон биринчи бўлиб исломга мушарраф бўлгандир. Туглук Темурхондан кейинги мўгул хонлари: Илёс Хожaxon, амир Камариддин, Хизрхон, Мухаммадхон, Шермухаммадхон, Увайсхон, Эсан Бугахон, Юнусхон, Султон Махмудхон, Султон Ахмадхон, Дўст Мухаммадхон, Султон Са-идхон ва Абдурашидхондир. Мўгул хонлари тарихида Юнусхондан кейин Султон Махмудхон (катта хон) Тошкандда, Султон Ахмадхон (кичик хон) Мўгулистонда ҳукмронлик қилдилар.

Темурийлар ва мўгул хонлари такдирлари туташган тарихий нукталардан бири маърифатли Юнусхон билан алоқадор. Юнусхон ўн икки йил Шарафиддин Али Яздий хонадоида тарбияланади.

Юнусхоннинг тарбиясини олган фарзандлари Султон Махмудхон ва Султон Ахмадхон бир-бирига қайишишди, катта хон, кичик хон бўлиб икки юртни идора қилишди. Холбуки, кечагина Мансурхон Мўгулистонга ҳужум қилиб, укалари Султон Саидхон ва Султон Халил султонни Мовароуннахрга - ўзбеклар идора қилаётган Андижонга қувиб юборган эди. Натижада Султон Халил султон Ахси дарёсига чўктирилган, Султон Саидхон бир амаллаб Қобулга қочиб қутулган эди. Инсофли Саидхон Мўгулистонни эгаллагач, акаси Мансурхон билан учрашиб, уни шарманда қилмади, балки узр сўраб уялтирди, холос. Тарихчи Мирзо Мухаммад Хайдар кўрагон шох ва хонлар шахсидаги маърифатга муносабат масаласига жиддий эътибор беради ва маърифатни нажоткор куч сифатида талкин этади.

Муаллиф, исломий маърифатнинг ахамияти, хон ва шохларнинг инсоф ва адолатига кўп нарсга боғлиқлигини ҳар бир ҳукмдор шахс таҳлилида исботлаб беради. Хусусан, ҳукмдор учун муслими қомилга ҳос афвқорлик-кечиримлилик Юнусхон ва Султон Саидхон сиймоларини нурлантириб туради. Қозок хонларидан Гаройхон, Жонибекхон, Бурундукхон, Қосимхон ва Тохирхонлар ҳақидаги муҳим маълумотлар «Тарихи Рашидий» орқали фанга маълумдир. Айниқса, қозок улусининг энг гуллаган пайти Қосимхон даври ва энг тушқун пайти - Тохирхон ва Бўйдошхонлар замони ҳам яхши ёритилган.

Қосимхоннинг очикқўнгиллиги, оқиллиги, самимияти, меҳмондўстлиги қитобхонни ром этади. Бу қитоб қозок халқи тарихи ҳақидаги қимматли ёдгорлик ҳам бўлиб ҳисобланади. Озарбайжонлик сафавийлар сулоласининг уч вақили Шох Исмоил Сафавий (адабий таҳаллуси - Хатоий), унинг ўғиллари Шох Таҳмосп ва Сом мирзо ҳақида «Тарихи Рашидий» муҳим маълумотларни қелтиради.

Шох Исмоил ўз дипломатик зақоси билангина эмас, ҳарбий қучи билан ҳам Шоҳибекхон - Шайбонийхонни мардона тор-мор қиладики, бунга қитобхон қойил қолади. Аммо диний суннийлик ва шиалик айирмачилиқлари буюқ давлатчиликлар ва инсофу адолат қушандаси эканлигига гувоҳ бўлган қитобхон Шох Исмоил Сафавий шафқатсизлигидан сесқаниб кетади, диний бағрикенглик йўқлигидан ўкинади.

Асарда бобурийлар сулоласи ҳам Бобур Подшоҳ, Ҳумоюн мирзо ва Қомрон мирзолар фаолиятлари орқали асарда муҳим ўрин тутади. Қитоб муаллифи Бобурнинг оталарча меҳр-шафқатидан баҳраманд бўлади, 7-8 йил Қомрон мирзо ва Ҳумоюн мирзо саройларида улуг обрў-эътиборли давлат арбоби сифатида яшайди. Бобур замонидаги ютуқлар ноиттифок ворислари даврига қелиб йўққа чиқади, улкан лашқарга эга Ҳумоюн Шерхон Сур билан тўқнашиб, тузук жанг бўлмади Ҳумоюншоҳ лашқари тумтарақай бўлиб кетади.

Мухаммад Хайдар мирзо бу жангдан афсусланиб чикар экан, Хумоюн мирзога келгусида Бобур Подшоҳ зафарлари насиб этишини орзу килади. Бу олийжаноб орзу хам амалга ошади. Кўп йиллик сарсон-саргардонликдан сўнг Хумоюн мирзо Шох Тахмоспдан ёрдам олиб, кайтиб келиб, укаларини енгиб, яна Хиндистонда марказлашган давлат барпо этишга муяссар бўлади.

«Тарихи Рашидий»нинг бошка тарихий асарлардан фарк этувчи хусусияти шундаки, унда ҳукмдорлар тарихи талқини билан узвий равишда турли даврлардаги диний-рухоний пешволик вакиллари - пир-муршидларининг хам ўзига хос сулоалари фаолияти ўз аксини топгандир. Чингиз томонидан Қорақурумга кўчирилган Мавлоно Шужоъиддин Махмуддан бошлаб, Туглук Темурхонни исломга келтирган Мавлоно Аршадиддин, унинг авлодидан Хожа Тожиддин, Хожа Мухаммад Юсуфларгача бу тарихда маълумотлар бор.

Уларнинг энг машхурлари Хожа Убайдуллох Ахрор ва Хожа Нуро бўлиб ҳисобланадилар. Хожа Убайдуллохнинг содик муриди - Хожа Нуро нафакат диний-рухий жабханинг буюк арбоби, айни пайтда ўз замонининг мислсиз хозик табиби хам бўлиб ҳисобланади. Чунки у Шарк мамлакатларининг илм-фан марказларида бўлиб, тиббиёт соҳасининг энг мўътабар устозларидан сабоқ олган ва бирга хизмат хам килган. Мухаммад Хайдар мирзо у кишининг қаромату табобати хақида жуда кўтаринки руҳда фикр юритади.

«Тарихи Рашидий» муаллифи ўз китобида кўпгина диний арбоблар ва уларнинг асарларига ўрин ажратади. Уларнинг фаолиятини эл-юрт халоскорлигини таъминлашда, маънавий-маърифий жабҳада шоху гадога тенг таъсир ўтказишда кузата-ди. Ўз эътиқоди манбаи ва шахсий ютуқларини шу пири муршидлар фаолиятлари шарофатидан кўради. Биз бирор тарихий асарда диний устозларга бу даражада кенг ўрин ажратилганини билмаймиз.

Воқеа-ҳодисалар талқинининг изчиллиги, муаллифнинг оғзаки ишонарсиз маълумотларни асарга киритмаслиги, тарихий арбоблар шахсиятига ҳаққоний оқилона муносабат, ҳатто диний нуқтаи назардан ўзи лаънатлаб турган шахс ва унинг сўзлари, мактублари мазмуни ҳаққониятига эришиш, талқинда фикр тиниклиги, баландпарвоз мураккаб жумлалардан қочиш, самимийлик тарихчи ва адиб Мухаммад Хайдар мирзонинг услубини белгилайди.

Мирзо Хайдар Ўрта Осиё тарихнавислигининг анъаналарига содик қолган ҳолда тарихчи сифатида бу соҳага форс тилида мемуар жанрини сингдириш сингари Бобуроно янгиликни киритди. Унинг иккинчи ихтироси: бир тарихий асарни бошдан-охиригача атайин икки маротаба бир-бирини тўлдириб яратиш тажрибасини синовдан муваффақиятли ўтказди.

«Тарихи Рашидий»да анъанавийликни бир неча йўналишда кузатамиз: биринчидан, бошка тарихий асарлардан ўзлаштириб ёки умумлаштириб қайта хикоя қилиш йўлига кирмасдан асарга ўндан ортик бобларни «Зафарнома» ва «Тарихи жаҳонкушой»дан иқтибос тарзида киритадики, бу муаллифнинг устоз тарихчилар олдидаги садоқатли таъзимидир; иккинчидан, «Зафарнома» ва «Бобурнома»ларда учраганидек асар матнига воқеа-ҳолатларга алоқадор шеърий парчалар киритиш. Шуниси борки, Шарафиддин Али Яздий шеърий парчалари ўзиники бўлса, «Тарихи Рашидий»даги шеърий парчалар қисман муаллифники, кўпроқ бошка машхур манбалардан келтирилгандир (чунончи Саъдий «Гулистон»и, «Бўстон»и, Абдурахмон Жомий асарлари, Султон Саидхон ижодидан). Ушбу шеърий парчалар матнга шунчаки бадиий безак эмас, балки тарихий воқеа ёки ҳаётий ҳодисаларнинг фалсафий,

ахлокий-таълимий мохиятини теран ифодаловчи мутафаккир шоир мушохадалари изхоридир. Чунончи, Мансурхон салтанатининг устуни амир Жабборбердининг нечоглик буюк тадбирли харбий ва давлат арбоби эканлиги устида сўз борар экан, ана шу фикр тасдиги ва таъкиди тарзида шундай байт келтирилади:

Битта ўткир килич юз бош кесса гар,

Битта ўткир фикр - лашкарни енгар.

Учинчидан, воқеа-ходисалар жараёни ёки якунини « Куръон»и каримнинг бирор ояти, Мухаммад (с. а. в)нингхадиси шарифлари ёки бирор азиз зотнинг сўзлари билан таккослаш, тасдиклаш ҳолатлари ҳам анънавий, айни пайтда ихтирога асослангандир. Бобур мирзонинг сиёсий шароитни ўрганиш учун Сўх ва Хушёрда бир йил азоб-машаккатда кечирган кунлари « Тарихи Рашидий»да бир хадис далолати билан шундай берилг ан:

«Подшоҳ Фаргона жанубидаги тоғларга кетди ва кўплаб кийинчиликлар, машаккатларни бошдан кечирди. Подшоҳнинг онаси ҳам ҳамроҳ эди. Подшоҳ мулозимларининг кўпчилиги ахли аёллари билан кўчмоқда эди. Мўминларнинг имоми, яхшиларнинг яхиси, мусулмонларнинг амири Хазрат Али (Аллох унинг юзини иймон нури билан ёритсин) бундай деган экан: «Хазрат Пайгамбаримизнинг сўзларига кўра «Сафар -дўзахнинг бир парчасидир». Маккор фалакнинг зулмкорлигига кўра хар бир азиз ва гавхар каби пок кишилар учун тайёрлаган жафокорлиги ва душманлиги, хорликка солишлари канча бўлса, уларнинг ҳаммаси ана шу сафарда Бобур Подшоҳнинг ва унинг сафдошлари бошларига ёгилди».

Энди асарнинг ўзига хослиги, бошқа тарихий асарлардан тубдан фаркига келсак: тарихий шахслар таржимаи холини их-чам жумлаларда мукамал бериш; шахсий киёфасини ахлокий-маънавий нуктаи назардан тўла-тўқис яратишдир. Бизнингча, бу хусусиятни муаллиф «Бобурнома»дан ўрганган ва муфассалликда баъзан ундан ҳам ошиб тушган десак, муболага бўлмас.

Иккинчи ўзига хослиги, «Тарихи Рашидий»да ўз шахси, таржимаи холи билан боглик воқеа-ходисаларнинг ҳам кам бўлса-да, берилишидир. Гўё у бу иши билан ўзининг ҳам бир тарихий шахс бўлиб қолишига умид қилган (Султон Саидхоннинг кўп йиллик вазири, Кашмирда ўн йил подшолик қилган киши, дархакикат, тарихий сиймо даражасига етган эди).

Бу янгилик афтидан яна «Бобурнома» таъсири туфайли бўлса керак. Чунки барча тарихий асарлардан фарқ этувчи ушбу ҳолат «Бобурнома» ва «Тарихи Рашидий»нинг маълум маънода адабий эсдалик хусусияти билан ҳам изоҳланади. Лекин «Тарихи Рашидий»да мемуарга нисбатан тарихийлик асосий ўрин тутишини инобатга олмоғимиз шарт: эсдаликлар унинг бир яхши хусусияти, ҳолос.

« Бобурнома» ва «Тарихи Рашидий» киёсида бу асарлар муаллифларининг ўзаро алоқаси, яқинлиги ва қариндош-уруғчилигини ҳам инобатга олган маъқул. « Тарихи Рашидий»нинг муаллифи бу ҳақда ёзадики: Мўғулистон хони Юнусхоннинг хотини Эсан Давлат бегимнинг катта кизи Мехр Нигор хоним бўлиб, уни Султон Ахмад мирзога беришган. Ундан кичиги Кутлуг Нигор хонимни Умаршайх мирзога беришган, ундан Захириддин Мухаммад Бобур Подшоҳ ва Хонзода бегим тугилган. Юнус-хоннинг кизларидан учинчиси Хўб Нигор хонимни отамга беришган, у менинг онам бўлган». Демак, Хайдар мирзонинг онаси Бобурнинг онасига сингил бўлади. Бобур мирзо ва Хайдар мирзо холаваччалардир. Факат шуниси борки, Бобур Мирзо Хайдар мирзодан ўн олти ёш каттадир. Бобур мирзо Андижонда, Хайдар мирзо Тошкентда тугилган.

Мухаммад Хайдар мирзо 1499 йили Мухаммад Хусайн мирзо оиласида дунёга келган. Хўб Нигор хоним вафот этиб, Хайдар мирзо онадан жуда ёш айрилади: « Хўб Нигор хоним, каминанинг онаси, тинчлик-омонлик кунларида Тошкандда ва-фот этган эди», - деб ёзади бу ҳақда муаллиф.

Мухаммад Хусайн кўрагоннинг шажараси - аждодларига келсак, Мухаммад Хусайн Мухаммад Хайдар ўгли, у Саид Али ўгли, у Саид Аҳмад ўгли, у Амир Худойдод дўғлат ўғлидир.

Мухаммад Хусайн мирзо бирмунча муддат Ўратепада ҳокимлик қилган. Бобур Шайбонийдан енгилб тоғаси Султон Махмудхондан Ўратепани сўраганида хон кўнган-у, Мухаммад Хусайн рози бўлмаган. Бобур ўз яқинлари билан ватандан кўнгул узиб Кобулга кетганида Мухаммад Хусайн ҳам кейинрок Кобулга борган эди. 1506 йили Бобур Хиротга Султон Хусайн мирзо таъзиясига борганида, Кобулда Султон Махмуд мирзонинг ўгли Мирзохон Кобул салтанатини эгаллашга уринади ва Мухаммад Хусайнни ҳам бу исёнга жалб этишади.

Бобур келиб тахтини қайта эгаллагач, Мирзохон ва Мухаммад Хусайнга истаган жойга кетишга « рухсат» берилади.

Кобулдаги исёнга хотима бериш воқеасида Мухаммад Хусайн хақида Бобур «Бобурнома»да қуйидагиларни ёзади: «Мухаммад Хусайн мирзо кўркувдан хонимнинг тўшакхонасига кириб, тўшакнинг бўғжамасига ўзини боғлатипти. Кўргондагилардан Мирим девон ва яна баъзиларни бу уйларни ахтариб, Мухаммад Хусайн мирзони топиб келиш учун юбордик. Хар холда Мухаммад Хусайн мирзони топиб, арқда менинг қошимга келтирдилар. Мен бурунгидек таъзим қилиб ўрнимдан турдим, унча кўполликка бормадим. Мухаммад Хусайн мирзони, бундай хунук ва тубан ҳаракатга кадам қўйгани, бундай гавго ва фитна ишларга бош қўшгани учун бурда-бурда қилсам ўринли эди. Орада хар холда қариндошлик бор эди: менинг тугишган холам Хўб Нигор-хонимдан ўгил-қизлари бор эди. Бу ҳуқуқни эслаб, Мухаммад Хусайн мирзони озод қилдим. Хуросон сари рухсат берилди. Бу мурувватсиз ва ҳакни танимайдиган киши менинг бундай яхшилигимни, яъни жонини омон қолдирганимни буткул унутиб, Шайбонийхон қошида мандан гийбат ва шикоятлар қилибди».

Энди Кобулдаги исёнга Мухаммад Хусайн алоқасини Мухаммад Хайдар мирзо талқинида ўқиб кўрайлик. Назари-мизда муаллиф воқеа моҳиятини фарзанд сифатида анча юмшатишга ҳаракат қилган. « Тарихи Рашидий»дан:

« Охир-оқибат Бобур Подшоҳ ўрнига Мирзохонни подшоҳ қилиш пайига тушиб қолишди. Отамга бу ҳақда маслаҳат солишганда отам бу фикрни кескин рад қилди... Улар беҳад ҳаддан ошишгач, отам: «Мен рад қилганим билан улар ўз режаларидан қайтишмайди. Яхшиси, бу ишга аралашмаганим маъқул» деди... Отам Кобулдан бир қунлик йўл наридаги Оби Борон деган жойга кетди ва ўзини бу ишдан четга олди... Шохбегим отамга киши юбориб, қелишини қаттиқ талаб қилди. Бундай қатъий талаблар ҳаддан ошгач, отам ночор қолиб қелишга мажбур бўлди. Йигирма тўрт кун Кобул қалъасини қамал қилиб туришди. Бу орада Бобур Подшоҳ қелиб қолди.

Яхшилик ва мурувват Бобур Подшоҳга ҳос сифатлар эди, у ҳеч бир кек сакламай, шод-хуррам холда ўғай бувисининг олдига кирди. Шохбегим ундан юз ўғириб, ўз тугишган неварасини подшоҳ қилиб қўтарган эди. Шохбегим Подшоҳни кўргач, хижолат бўлиб, тилига бирор сўз келмай қолди... Амирлар ва бутун лашқар Аллоҳнинг марҳамати учун шукроналар айтишиб, Подшоҳ изининг тупроғини қўзларига суришди. Унинг изидан Мехр Нигор хоним Мирзохон билан отамни бошлаб қолди... Подшоҳ Мехр Нигор хоним

истикболига чикди. Хоним: «Эй жоним болам! Сенинг хузурингга синглимнинг гунохкор эрини ва нолойик ишлар килган биродарингни олиб келдим, бунга нима дейсан?» деди ва отамга ишора килди. Бобур Подшоҳ отамни кўргач, шоша-пиша, илгариги расм-одатга кўра таъзим килиб, хурсанд бўлиб, кулиб у билан кучоклашди, меҳрибонлик билан соглигини, ахволини сўради. Кейин Мирзохон томонга ўгирилиб унга меҳр-мухаббат, илтифотлар изхор килди. У химмат ва мурувват кўрсатиб, улар билан самимий суҳбатлашди ва кайси йўлни танлашни: кетишадими ёки у билан қолишадими, ўзларининг ихтиёрига қўйиб берди. Улар хижолатдан бошларини кўтаролмай қолишди. Багри кенг Бобур Подшоҳ буларнинг хижолат губорларини одамгарчилик ва яхшилик суви билан ювишга ҳаракат килди. Аммо у бўлмагур килгиликнинг хижолатпазлиги уларнинг кўнгил кўзгусидан кетмади. Отам билан Мирзохон Қандаҳорга кетишга руҳсат олишди». Мухаммад Хусайн кўрагон ўгли Хайдар мирзони Хиротга олиб кетади. Унинг илк савод чикариши даври, хат машк килишлари 1506-1509 йилларга тўғри келади. Натижада у 3-4 йил Хиротда бўлади ва адабий-маданий ҳаётдан яхши хабардор бўлади. Унинг хусниҳатдаги устози Мавлоно Мухаммад Абришимий бўлганлиги «Тарихи Рашидий» да кайд этилган.

Хайдар мирзо мактабга ўз илк қадами хусусида ёзади: «Отам Хуросонга келганидан кейин бир неча кун ўтгач, бола тўрт ёшу тўрт ою тўрт кунлик бўлганда мактабга бериш одатига кўра, мени мактабга бермокчи бўлди ва ок фотиҳа олиш учун аввал шайхулислом олдига олиб борди ва у кишидан менга сабоқ беришни сўради. Шайх: «Аллоҳ енгиллик беради» деб ёзди ва гоятда мулоимлик ҳамда меҳрибончилик билан мени тиззасига ўтказиб, ширин сўзлар билан менга сабоқ бердики, ўша пайтдан бери ўттиз саккиз йил кечган бўлса-да, Шайхнинг муборақ юзи, унинг сабоқлари ва меҳрибончилиги накши худди тошга ўйилгандек хотирамда қолган. Ишончим қомилки, ўша сабоқларнинг шу кунларгача етиб қолган шарофати бу дунёда ҳам, охирада ҳам етиб туради, иншооллоҳ».

Деярли ўттиз йил давомида дин маърифати бобида Хиротда ягонаи даврон бўлган шайхулислом Сайфуддин Аҳмад ҳақидаги Хайдар мирзонинг қайдларини ўқийлик: «Шайхулислом Султон Хусайн мирзо ҳукмронлиги давридан бошлаб то Шох Исмоилнинг Шоҳибекхон (Шайбонийхон) устидан галаба қилганига қадар шайхулислом эди. Шу муддат ичида у шунчалик тақво, диёнат ва авлиёлик кўрсатдики, Шайхнинг сўзларига эътироз билдиргулик зот топилмас эди. Ўша даврнинг кўплаб уламолари унинг шогирдлари эди. Улар унинг шогирди бўлганликларидан гурурланиб юришарди: Шайхулислом (Сайфуддин Аҳмад) хузуридан кетишадиганда уламолар: «Инсоннинг ҳаётда шунчалик кўп билимни тўплаганига хайрон қолсан киши» дея хайрат изхор қилишарди. Шайхнинг дарслари йигирма тўрт йил давомида шу тариқа кечди ва бу олимлар ҳамиша Шайхга муҳтожлик сезишди».

«Отам Хиротга биринчи марта келганида мен учун устоз-муаллим топган эди. У хофиз Мирим исмли тақводор, олим киши эди. Дарҳақиқат, у мўмин, хофиз Куръон, турли фазилатларга эга бўлган камсукум инсон эди. Куръонни ёқимли овозда қироат қилар, насхатълик хатида яхши ёзар эди. У мени Куръонни қироат қилишга ва хаттотликка ўргатар эди.»

1509 йилда Шайбонийхон Мухаммад Хусайнни яширинча қатл эттиради. Мухаммад Хусайн кўрагон Хиротдаги амир Саид Хусайн Содот қабристонига қўйилган. Убайдуллоҳхон Хайдар мирзонинг поччаси эди.

«Тарихи Рашидий»да бу ҳақда ёзилади: «Убайдуллохон деган султон бор эди. Кўплаб юриш ва босиб олишлар ўшанинг номи билан боғлиқ эди. У отамерос подшоҳлигининг маркази бўлган Бухорога жўнади. У отамдан менинг у билан бирга кетишимга руҳсат сўради. Отамнинг тўнғич фарзанди - кизи Хабиба Султон Хониш эди. Отам Шахрисабздан кочган вақтда Шохибекхон ўша кизни Убайдуллох султонга берган эди. Отам-дан ижозат олиб Убайдуллох мени Бухорога, опам олдига олиб келди». Шайбоний унга ўсмир Хайдар мирзони Аму дарёсига чўктириш ҳақида буйруқ беради. «Тарихи Рашидий»дан: «Ана шундай қаҳри каттик, зулмқору қудратли ҳукмдор мени ўлдириш касдига тушди. Хали ёшим болалиқнинг ярмидан ҳам ўтмаган эди. Мен хали ўн қўлимни чап қўлимдан, яхшиликни ёмонликдан ажратолмасдим. Хали овқат топиб ейишга қучим етмас, ақлим ҳам бирор нарсани ўзимча ҳал қилиш даражасида эмас эди. Ота-онасиз етим бўлиб қолдим. Амакиларим ҳар қайсига тарқалиб кетишган, тоғаларим шаҳид бўлган, менга гамхўрлик қилса бўладиган акам ҳам, қўнғимга таскин берадиган қариндошим ҳам йўқ эди.

Мен Бухорода, ажалнинг оғзида, Шохибекхон тасарруфидаги ерларнинг марказида эдим. Мендек ночор ва ожиз бола-қайни ўлдиришга чоғланган Шохибекхон шунча буюқлиги ва қудрати билан ҳатто бошимдаги бир тола сочимни ҳам узолмади. Ўн саккиз минг оламини яратган, мислсиз қуч-қудрат, буюқлик соҳиби бўлган ягона зотга, Аллоҳу субҳонаҳу ва таолога ва унинг фаришталарига ҳамду санолар бўлсин!»

Хожа Нуру Хайдар мирзонинг устози Мавлоно Муҳаммадга болани олиб қочиш маслаҳатини беради. Устози уни минг бир азобу таҳликалар остида Бадахшонга - Мирзохон ҳузурига етказишга муваффақ бўлади.

Захириддин Муҳаммад Бобур Мирзохонга чопар юбориб, Муҳаммад Хайдар мирзони хавф-хатарсиз макон - Қобулга жўнатиш ҳақида буйруқ беради.

Хайдар мирзо устози билан ўн олти киши Қобулга жўнайдилар ва у ерга етиб борадилар. Хайдар мирзо «Тарихи Рашидий»да Бобур Подшоҳнинг унга кўрсатган меҳр-оқибати ҳақида гоятда тўлқинланиб ёзади:

«Мен Бобур Подшоҳнинг хизматида келганимда, унинг бахт нурлари балқиб турган назари менга тушгани захоти чексиз раҳм-шафқат ва поёнсиз меҳр-муҳаббат туфайли инжулардек кўз ёшлари нурли кўзларидан ипга тизилган дурлардек тўкиларди. У меҳрибонлик билан менга қаради. Марҳаматли қўлини мен тарафга узатди ва яқин келгин деб ишора қилди. Тиз чўқиб салом бергандан кейин яқин бордим. У мени раҳм-шафқат қучоғига олиб, оталиқ меҳри билан бағрига босди. Анча вақт қучоғида ушлаб турди. Мен таъзим расмини адо қилмоқчи бўлгандим, бунга йўл бермай, ёнига ўтказди. Чексиз қуюнқалиқидан анча вақт ўзини босолмай, кўзларидан дув-дув инжулар тўқди. Шунда у мана бу гапларни айтди: «Сенинг отанг - поччам, менинг тоғам - хон, сенинг ака-укаларинг, қариндош-уруғларинг шаҳидлик шарбатини ичишди, Лллоҳга беадад шуқурки; сен менинг ёнимга эсон-омон келдинг. Энди улардан айрилганингга ҳеч ҳам гам чекма. Чунки мен уларнинг ўрнини ортиги билан босаман. Улардан қанчалиқ меҳр-муҳаббат ва раҳм-шафқат қутиш мумкин бўлса, шуларнинг ҳаммасини, ҳатто ундан ҳам қўпини мен сенга бера оламан».

У менга шундай меҳр-шафқат кўрсатиб, шунчалиқ илти-фотлар қилдики, етимлик гам-гуссаси, дарбадарлик азоблари юрагимдан батамом гойиб бўлди...».

Бобур мирзо Хайдар мирзога ҳам оталиқ, ҳам талабчан устозлик қилди. Қобулда кечган уч йиллик умри ҳақида ёзар-қан, «Тарихи Рашидий»да Бобур хусусида тўхталиб:

«Шундай қилиб, мен Қобулда анча вақт Бобур Подшоҳ хизматида доруло-монликда қун

кечирдим. У мудом меҳрибончилик билан бошимни силаб, гоҳ илтифот билан, гоҳ катъий амр билан мени илм эгаллашга ундарди. Лгар менинг озгина билим эгаллаганимни сезса, у янада илтифотлироқ бўлиб, ҳаммага бу ҳақда гапирар ва мени рухлантиришларини талаб киларди.

Кискаси, менинг сабоқ олиш пайтимдан ташкари бирор лаҳза ҳам ёнидан жилдирмас, дарсдан бўшасам, мени олиб кетишга одам юборар, шу тахлит менга мудом оталарча гамхўрлик киларди».

1510 йили Марвда Шох Исмоил Сафавий Шайбонийхонни махв этгач, Бобурнинг опаси Хонзода бегимни (унинг кейинги эри Саид Ходи жангда халок бўлиб, ўзи асира бўлиб тушган эди) Кундузга юборди. Бобур бундан мамнун бўлиб, Мирзохонни Шох Исмоилга элчи килиб юборади. У Бобур миннатдорчилигини изхор этади ва ундан Самаркандни олиш учун лашкар ёрдам сўрайди. Шох Исмоил бу таклифни бажаради, факат хутбага ўн икки имом номларини кўшиш ва Бобурни шиа мазхабига хос кийимда бўлишини шарт килиб кўяди.

Бобур шу ёрдамчи лашкар ва ўз кишилари билан Бухоро ва Самаркандни 1511 йили жанг билан олганида унинг ёнида Мухаммад Хайдар мирзо ҳам бор эди. Бобур Кўли Малик жангида Убайдуллохондан енгилиб, Хисорга чекиганида, Султон Саидхон муттасил илтимос килгани учун ўн икки ёшли Хайдар мирзони Андижонга жўнатади.

«(Бобур) Подшоҳ мулозаматида Хисорга келдим. Султон Саидхон бир неча марта Подшоҳга одам юбориб, менга ижозат беришини сўради. Нихоят, Подшоҳ ранжиб, истар-истамас менинг кетишимга рухсат берди. Мен ёшлигимга бориб, унинг кўнглини тополмадим, аслида шундай килишим - қолишим керак эди. Амир Нажм келгач, Подшоҳ урушга жўнади, мен эса Андижонга кетдим».

Мухаммад Хайдар мирзо Султон Саидхон даргоҳида 24 йил бўлди. Султон Саидхон уни Султон Ахмадхоннинг учинчи кизи Муҳиб Султон хонимга уйлантириб, уни кўрагонлик хон куёви мартабасига кўтарди.

Бу ҳақда Хайдар мирзо шундай ёзади:

« Султон Лхмадхоннинг фарзандларидан учинчиси Муҳиб Султон хонимни Султон Махмудхон укаси ўлгандан кейин ўз ёнига олган эди. Султон Махмудхон Ахсига келиб, Шоҳибекхоннинг буйруғи билан шаҳид бўлгач, Муҳиб Султон хоним Султон Махмудхоннинг кизи Кутлук хоним ёнида қолади. Тошкент босиб олингач, Кутлук хонимни Жонибек Султонга беришади. Амаким Жонибек Султонни тор-мор килиб, Фарғонадан кувиб юборгач, у акаси Султон Саидхон ёнига келади. Тўртта опа-сингил ичида хон шу синглисини ҳаммадан яхши кўрарди. Муҳиб Султон хоним Султон Саидхон хузурига келгач, у синглисига меҳр-окибат кўрсатиб, хамиша юмшоқ муомалада бўлди. Хон мени ўзига куёв килганида шундай катта зиёфат бердики, буни одамлар узок вақт эслаб юришди».

Султон Саидхон Хайдар мирзони сабот билан салтанат ишларига тайёрлай борди. Шу вақтдан бошлаб то 939 йил зулҳижжа (1533 йил июн) ойигача, яъни хон ёруг оламдан кўз юмгунига қадар Хайдар мирзо унга чин дилдан хизмат килди ва унинг шохона химмату илтифотларига сазовор бўлиб яшади. У Султон Саидхон каерга борса унга хамроҳлик килди. « Тарихи Рашидий»да бу ҳақда шундай сатрларни ўқиймиз:

« У менга турли-туман ишларни буюрар ва уларнинг фойдаси хақида шундай деяди: « Йигитларимиз хизматга қадам кўймагунча уларда қобилият пайдо бўлмайди. Улуғ ишларда, катта йигинларда, обрў-эътиборли кишилар - хоконлар, султонлар, вазирлар, амирлар йигилган жойларда катталар билан бирга бўлиб, уларнинг хизматида бўлишса,

бу ишлар-да кўнгиллари ва кўзлари пишиб, йирик йигинларда хайрон қолиб ўтиришмайди. Ёшлар дадил, ўзларига ишонган бўлишса, уларни кўрган одамнинг дилида уларга нисбатан ишонч пайдо бўлади, улардаги бу фазилатлар юрт сўраш ишида куч-қудратга эга бўлишларида асқотади. Агар бундай хизматни билим ва кўникмага эга бўлмаган одам бажарса, у бошқаларга зарур топшириқларни беролмайди, уларнинг ишларидаги кам-чиликларни кўролмайди, бу камчиликларни бартараф қилиш йўлларини билмайди».

Йигирма тўрт ёшгача мен жуда кўп хизматларни кунт билан бажардим. Махкамадаги амирларнинг йигинларида мартабамга мувофиқ ўз жойимга ўтирардим. Борди-ю мен у ерда хонга бирон-бир хизмат кўрсатиш учун қулай пайт топсам, у мени тўхтатиб: « Халқнинг кўзига хор кўришиб қолмаслик учун йигинларда мавқеинг хурматини сақлаш лозим», дерди.

Ёшим йигирма бешга етганда у мени бу хизматлардан батамом озод қилди ва: « Мен сенга қандай топшириқ берган бўлсам, сен бекаму кўст бажардинг. Энди барча хизматларни ўзинг топиб, ўзинг билиб қилишга одатлан», деди.

Ўттиз ёшга тўлганимда у менга лашқарни ишониб топширди. Лекин ёнимга билимдон, танikli амирларни кўшиб қўйди ва: « Хеч қачон мана шу одамларнинг маслахатидан четга чиқма. Уларга қулоқ сол, барча ишларда бўйсун», деди.

Ўттиз ёшимгача хон ҳузуридаги кенгашларда ўз мулоҳазаларимни айтишга ижозат йўқ эди, шунинг учун йигилишларда мен балиқдек жим ўтирардим.

Шу тахлит анча вақт ўтди. Кейин хон: « Энди сенинг фикрингга тўлиқ ишонаман», деди. Шундан сўнг у менга бутун харбий ва салтанат ишларини ҳам ишониб топширадиган бўлди. Барча жабхаларда менга чекланмаган ҳуқуқ берди».

Шу жихатдан «Тарихи Рашидий» асарининг ёшлар тарбиясига, уларни буюк ишларга жалб этишга эътибор бериш борасидаги аҳамияти бекиёсдир.

Хуллас, Мухаммад Хайдар мирзо Султон Саидхоннинг салтанатидаги етакчи давлат арбоби сифатида хизмат қилди. Энг муҳим харбий юришлар бош кўмондони ҳам Хайдар мирзо эди. Бадахшон, Қофиристон, Тибат, Ладак, Кашмир юришлари шулар жумласидандир. Муаллиф қайд этганидек, Султон Саидхон ҳаётлигида ҳамиша бирга бўлди. Охириги пайтда Султон Саидхон Мухаммад Хайдар мирзони Тибатга - Урсангдаги ибодатхонани вайрон қилиб қелишга жўнатди ва ўзи Қошгарга қайтаётганида, йўлда нафас қисилиш касаллигидан вафот этди.

Тахтга чиққан ўгли Абдурашидхон Мирзо Али Тогай қутқуларига ишониб Хайдар мирзонинг амакиси Саид Мухаммад мирзо (Султон Саидхон салтанатининг иккинчи йирик устун) ни таъзия қуниёк ўлдирди, сўнгра унинг ўгилларини ва Мухаммад Хайдар мирзо яқинларини қатл эттирди.

Мухаммад Хайдар мирзо Абдурашидхондаги бу мулоҳазасизликдан хавфсираб, Қошгарга қайтмади ва Тибатдан Бадахшон орқали Хиндистонга - Ҳумоюн ва Қомрон мирзолар ёнига кетди. Қомрон ва Ҳумоюн мирзолар даргоҳида 6-7 йил бўлди. 1540 йилда Ҳумоюн Шерхон Сур билан жангда енгилгач, ака-укалар ноиттифоклигидан ранжиган Мухаммад Хайдар мирзо Ҳумоюннинг розилиги билан ўзи бир марта юриш қилиб эгаллаб, ташлаб қелган Кашмирга иккинчи маротаба яна юриш қилди.

Кашмирни забт этиб, у ерда ўн йил подшолик қилди ва 1551 йилда маҳаллий исёнлардан бирини бостириш пайтида ярадор бўлиб, вафот этди.

Мухаммад Хайдар мирзо қабри Кашмирда, Сринагар шаҳрининг подшоҳ Зайнулобиддин

мозори ёки Мазори Салотин (Султонлар мозори) кабристонидадир.

« Тарихи Рашидий» 1541-46 йилларда ёзилган.

Бобур Подшоҳ «Бобурнома»нинг икки ўрнида Мухаммад Хайдар хакида гоят муҳим маълумот беради. Жумладан «Хайдар мирзо эди. Отасини ўзбек ўлтургандин сўнг келиб, менинг мулозаматимда уч-тўрт йил бўлди, сўнгра ижозат тилаб, Кошгарга хон қошига борди. Бу тарихда дейдурларким, тойиб бўлуб, яхши тарика пайдо қилибтур. Хат ва тасвир ва ўк ва пайкон ва зихгир хар нимага илиги часпондур. Таъби назми ҳам бордур. Манга арзадошти келиб эди, иншоши ҳам ёмон эмас».

Ушбу қиска ахборотларда Бобур Подшоҳ Мухаммад Хайдар мирзо хакида жуда кўп маълумотларни берган. Хатто унинг Султон Саидхон даргоҳида ичкиликка берилгани ва тавба қилиб ичмай қўйгани қайд этилиб, мактубига кўра унинг баёни иқтидорига яхши баҳо берилган.

« Бобурнома» билан «Тарихи Рашидий»нинг муштарак ва фарқли томонларига тўхталсак.

Бобурнинг кизи Гулбаданбегимнинг форс тилида ёзилган «Хумоюннома» асарини биз маълум маънода «Бобурнома»нинг манткиий давоми дея оламиз. «Бобурнома» матнида 18 йиллик воқеалар баёни йўқлиги ва шу йилларнинг энг муҳим (Бобурнинг 1511 йилда қелиб Бухоро ва Самарқандни олиши ва енгилиб Қобулга қайтиши) воқеалари жуда изчиллик билан « Тарихи Рашидий»да берилгани ҳамда XV-XVI асрлардаги Марказий Осиё мамлакатларидаги тарихий воқеа-ходисаларнинг, адабий-маданий, тарихий сиймолар ҳаёти ва фаолиятларини ёритишдаги муштараклиги учун ҳам лутфан «Тарихи Рашидий»ни форсий тиладаги иккинчи «Бобурнома» дейиш мумкин.

« Тарихи Рашидий»нинг ахамияти устида тўхталганимизда бу комусий асарнинг «Бобурнома»да ёзилиши лозим бўлган, аммо ёзилмаган воқеаларини аниқлаш, тўлдиришда Гулбаданбегимнинг «Хумоюннома», Хондамирнинг «Ҳабиб ус-сияр» (« Дўстлар таржимаи холи») асарларидан кўпроқ маълумотлар берувчи ноёб манба эканлигини инобатга олмоғимиз даркор.

«Тарихи Рашидий» асари номига кўра Султон Абдурашидхон ибни Султон Саидхонга аталиб, унинг тарихи ҳам ёзилгандир. Лслида эса, муаллифнинг ушбу тарихни яратишдан кузатган бош мақсади: мўгул хонлари номларини тарих саҳифаларида абадийлаштиришдир. Лна шу бош мақсад ўзаги эса, Султон Саидхон салтанати тарихини муфассал ёритишдан иборат. Мухаммад Хайдар мирзонинг орзубоп сиймоси - Султон Саидхон эди. Султон Саидхоннинг тарих саҳнасида мўгул хони Султон Саидхон бўлиб тикланишида Захириддин Мухаммад Бобурнинг хал қилувчи хизмати бор. Тарихдан маълумки, Мансурхон Мўғулистондаги укалари Султон Саидхон ва Султон Халил султон устига лашкар тортади. Укалари жангда енгилиб, Андижон томон бош олиб кетишади. Саидхон қочиб Қобулга, Бобур хузурига боради.

« Бобурнома» да Султон Саидхоннинг адои тамом бўлиб, Қобулга боргани ва Бобур томонидан унинг яхши қабул қилингани ҳамда бирор йилдан сўнг Андижонга жўнатилгани хусусида « Бобурнома» да қуйидагича ёзилган: « Султон Саидхон - Кошгар хони беш-олти яёг-яланг билан келди. Тугишган укаларимдек кўриб, Ламгон туманларидан Мандировар туманини бердим. Шох Исмоил Шайбонийхонни Марвда енгган махали, Кундузга ўтганимда, Андижон вилояти мен томонга боқиб, баъзи кўргонбегиларни қувиб, баъзи ерларини беркитиб, менга қиши юбордилар. Мен Султон Саидхонга барча навқарларимни топшириб, кўмак қўшиб, тугилиб ўсган ерим - Андижон вилоятини унга бағишлаб, хон қилиб юбордим».

Бобур Подшоҳнинг ушбу кайдлари жияни Султон Саидхоннинг келажакдаги ҳукмдорлик истикболи - Андижон ва Мўғулистонда йигирма тўрт йил хон бўлишини таъминлади. Шунинг натижасидирки, Мўғулистонда Саидия давлати деб номланган давлат пайдо бўлди.

«Бобурнома» дан келтирилган иқтибосга аҳамият берсак:

а) Бобур ўзининг барча жанг-жадалларда чиниккан навкарларини Султон Саидхонга топширди, кўмак ҳам кўшиб берди;

б) Бобур зоду буди Андижонга, яъни ўзи тугилиб ўсган жонажон юртига Султон Саидхонни хон қилиб юборди.

Мухаммад Хайдар кўрагон Кашмир подшоши тахтида ўлтириб, «Тарихи Рашидий» асарида ушбу тарихий воқеаларни ёзар экан, ҳукмдор сифатида шунга тўлик амин бўлганки, Султон Саидхонни аввал Андижонда икки йил, сўнгра Мўғулистонда йигирма икки йил хон бўлиб, Саидия давлати асосчиси даражасига етиши - Захириддин Мухаммад Бобур подшоҳнинг ўша буюк хизмати натижаси туфайлидир.

Мухаммад Хайдар кўрагон ана ўша Султон Саидхон ҳузурида 24 йил хизмат қилди, йирик давлат арбоби бўлиб етишди.

Икки фундаментал асар - «Бобурнома» ва «Тарихи Рашидий» Хирот адабий-маданий мухити талқинида шунчалик бир-бирига яқинлашади ва бир-бирини тўлдирадикки, бу ишда Мухаммад Хайдар мирзо Бобур мирзо билан ижодий мусобакага тушгандай бўлади.

«Бобурнома»дан кўпчилик хабардор бўлганликлари учун қайд этамизки, Бобур ўз асарида Абдурахмон Жомий исмини табарруккагина эслатган бўлса, Хайдар мирзо Жомий ҳаётининг ажойиб саҳифаларини жуда изчиллик билан баён этади, унинг рисоласи матнини тўлигича келтиради. Хирот шоирларидан кўпроқ Алишер Навоий ва Биноий ҳақида, Мир Шайхим Аҳмад Сухайлий, Хусайн Али Жалойир, Осафий, Охий, Хилолий, Сайфий Бухорий, Мирхусайн Муаммой хусусида тазкираларга хос ихчам маълумот келтиради ва ўша адабий мухитга Наргисий, Хажрий, амир Мухаммад Солих, Хожа Абул Барака Фирокий, Хайдар Калича ва бошқалар ҳам мансублигини қайд этади. Хаттотлардан Мир Али Табризий, Мавлоно Жаъфар, Мавлоно Абдуллох ошпаз, Мавлоно Мухаммад Котиби Самаркандий, Мир Абдулхай, Мавлоно Азхар, Мавлоно Шайх Лбдуллох Хоразмий, Мавлоно Султон Али Машхадий, Мавлоно Ллоуддин, Султон Мухаммад Хандон, Мавлоно Зайниддин Маҳмуд, Султон Мухаммад Нур, Мавлоно Косим Али, Мавлоно Мухаммад Абришимий, Косим Шоди Шох, Мавлоно Мир Али ва бошқаларнинг ҳар бирининг хаттотликдаги салоҳияти, зақо ва қобилиятлари ҳамда хатлари-нинг савияси ҳақида бафуржа мулоҳазалар юритилган.

Расомлардан Шох Музаффар, Камолиддин Бехзод, Косим Лли Чехракушой, Максуд, Мавлоно Мирак Накқош, Устод Бобохожи, Устод Шайх Аҳмад, Мавлоно Жунайд, Устод Хисомиддин, Мавлоно Вали, Мулло Юсуф, Мавлоно Дарвеш|Мухаммадларнинг маҳорат, қобилият ва ишлари савияси таҳлил этилган. Китоб музаҳҳиб-зарҳалчиларидан Мулло Ёрий, Мулло Вали, Мавлоно Маҳмуд, хофиз ва мусика чолғучиларидан Хофиз Басир, Хофиз Хасан Лли, Хофиз Жомий, Хожа Абдуллох Марворид, Устод Саид Мухаммад Гижжакий, Мазҳари Удий, Устод Кул Мухаммад, Устод Хайдар Шох Балабоний, Устод Шайх Нойи номлари зикр этилган.

Ушбу узундан-узук рўйхат шуни кўрсатадики, хиротда илк сабогини олган Хайдар мирзо Шарк тамаддунининг ушбу маркази маданий мухити манзарасини ҳар томонлама мукамал ўргана олган ва ўз тарихида муҳим кайдлар қилган.

Хайдар мирзо назарида ушбу маънавият даргалари сафида турувчи кишилар, Алишер

Навоий таъбири билан айтганда «асл илм - дин илми» донишмандлари, арбоблари, азиз-авлиёлар ҳам борлар: Абдурахмон Жомий, Мавлоно Саъдиддин Кошгарий, Мавлоно Низомиддин Хомуш, Хожа Алоуддин Аттор, Хожа Мухаммад Порсо, Хожа Убайдуллох Лхрор, Мавлоно Довуд Хисорий, Мавлоно Шайх Хусайн Мухтасиб, Мавлоно Шамсиддин Бахрободий, Мавлоно Шамсиддин Мухаммад (Завжий) Румий, Хожа Абдулазиз Жомий, Шайх Пурон, Мавлоно Абу Саид Убахий, Мавлоно Муъин Воиз, Мавлоно Хожа Кўхий, Хофиз Махмуд Зиёратгохий ва бошқалар хақидаги маълумотлар янада муфассалроқ берилгандир.

Бобур мирзо ва Хайдар мирзолар шахсиятида дин ва шариатга муносабат деярли бир хил. Хар иккиси ҳам Мухаммад (с. а. в) дини, шариати ва бу соҳанинг жонбозлари - тарғиботчилари бўлган улуг пирларга: Бобур Хожа Убайдуллох Ахрор, унинг ўғиллари Хожа Яхъё ва набиралари Хожа Яъқуб, Андижон козиси ва пири Мухаммад Козига кучли эътиқод билан яшаганидек, Мирзо Мухаммад Хайдар ҳам Хожа Мухаммад Нуурога, Мавлоно Тождиддин, Мавлоно Аршадиддинга улуг эҳтиром билан қарайди. Бобур «Бобурнома» да Хожа Убайдуллох Ахрорнинг, Хожа Яъқубнинг унинг жонига ора қирганларини тушлари ва ҳаётий воқеалар билан далиллаганидек, Мирзо Хайдарнинг Убайдуллоххон томонидан Амуга чўктирилмагани боиси Хожа Мухаммад Нуоронинг Мавлоно Мухаммадга Хайдарни олиб қочишга берган буйруғи бўлади. Шу тавсия ва кўрсатма туфайли Мавлоно Мухаммад уни аввал Бадахшонга, сўнгра Кобулга - Бобур хузурига олиб боради. Демак, азиз пирлар ҳам Бобур мирзо, ҳам Хайдар мирзо жонларига бевосита ёки билвосита ора қирадилар.

Азиз-авлиёлар, пир-муршидларга «Бобурнома» ва «Тарихи Рашидий» да ажратилган ўринга аҳамият берсак, Хайдар мирзо Бобур Подшоҳга кўра кўпроқ эътибор берган деса бўлади. Бирок Бобур мирзонинг фиксга доир: «Эътиқодия», «Китоб ул-ҳаж», «Китоб ус-салот», «Китоб уз-закот» асарлари ва Хожа Убайдуллох Ахрорнинг «Волидия» асарини таржима қилганлигини инобатга олсак, бу тарозу паллалари тенглашади. Бобур мирзо ҳам, Мухаммад Хайдар ҳам китобларини подшоҳлик тахтига чиққандан сўнг ёза бошлаганлар. Ушбу ёзувларнинг тарихий-адабий, маърифий аҳамиятини хар икки шох-адиблар яхши билишган. Хар икковлари ҳам ўз ёзаётган асарлари ҳаққонийлиги учун қаттиқ ҳаракат қилишган. Бобур мирзо ҳам, Хайдар мирзо ҳам озгина бўлсада, ёлгондан ҳазар қилишган, шубҳали фикр ва далилларни келтиришдан сақланишган.

Шуниси ҳам борки, бирон-бир киши ва воқеа ҳақида қалам тебратилганда муаллиф қисматида даҳлдорлиги туфайли ҳақиқат тўла-тўқис юзага чиқмаслиги мумкин. Масалан, Кобулдаги исёнда Бобур Мухаммад Хайдарнинг отаси Мухаммад Хусайнни тўла айбдор деб билади ва у «руҳсат» олиб кетгач, Шайбоний хузурида Бобур ҳақида гийбат ва шикоятлар қилгани ҳақида «Бобурнома»да сўз боради. Мухаммад Хайдар эса фарзанд си-фатида отадан қамчилик изламайди ва уни оқлайдиган асослар келтиришга ҳаракат қилади...

Подшоҳ Бобур «Вакоеъ» («Бобурнома»)ни туркий - эски ўзбек тилида ёзди. У туркий хонадон фарзанди бўлгани учун Алишер Навоий сингари шу тил ва шу адабиёт учун жон қуйдирди. Мирзо Хайдар кўрагон эса туркий оиладан чиққан бўлса-да, Қашмирда зиёлилар орасида форс тили ва адабиёти анъанаси ҳукмрон бўлгани учун «Тарихи Рашидий»ни форс-тожик тилида ёзди.

«Бобурнома» тарихий асардан кўра, эсдаликлар деб аташга муносиброқ туйилса, «Тарихи Рашидий»да аксинча мемуар асарга нисбатан тарихийлик устунлик қилади.

Шунинг учун «Вакоеъ» («Бобурнома»)да асосан Бобур мирзо ўзи хакида ёзган бўлса, Мухаммад Хайдар мирзо ўзи билан боғлиқ воқеаларни асарга камрок киритади. Шу маънода «Бобурнома» ижодкорида адиблик салоҳияти, «Тарихи Рашидий» муаллифида тарихчилик иқтидори устуворлик килади.

Буни аниқроқ тасаввур этадиган бўлсак, Подшоҳ Бобур шахси «Бобурнома»нинг асосий воқеаларида бошдан-оёқ иштирок этади. Мухаммад Хайдар мирзо хақидаги маълумотлар «Тарихи Рашидий»да айрим боблардагина берилади, холос.

«Бобурнома» - комусий асар. Ундаги маълумотларга асосланиб ижодкорини шоир, адиб, тарихчи, тилшунос, элшунос, набототшунос, зоолог, хуллас йигирмадан ортиқ касб-хунар эгаси деб айтиш мумкин. «Тарихи Рашидий» муаллифини ҳам биз тарихчи, географ, адиб, шоир, элшунос, диншунос, адабиётшунос, тилшунос, санъатшунос, хаттот, хунарманд дея оламиз.

Ушбу икки асардаги яна бир муштарак ҳолат: ҳар икки но-дир ёдгорликда тарихий шахслар сонларининг ҳаддан ташқари кўплигидир. «Тарихи Рашидий» бу масалада «Бобурнома»дан қолишмайди.

«Тарихи Рашидий»да темурийлар сулоласи, бобурийлар сулоласи, мўғул хонлари сулоласи, ўзбеклар сулоласининг тарихий манзараси китобхон кўз ўнгида бутун кенглиги ва кўплиги билан намоён бўлса, айтиш пайтда козок хонлари, сафавийлар сулоласи ҳамда қирғиз бийлари ҳам маълум маънода тарихчи назаридан четда қолмаган.

Соҳибқирон Амир Темур, Шохруҳ мирзо, Мирзо Улугбек, Лбусаид мирзо, Хусайн Бойқаро, Бобур Подшоҳ, Хумоюн мирзо, Комрон мирзо фаолиятлари, жанг-жадаллари тасвири бир ёқдан; Абулхайрхон, Шайбонийхон, Убайдуллохонлар иккинчи томондан ва учинчи томондан мўғул хонлари: Туглук Темурхон, Юнусхон, Султон Махмудхон, Султон Лхмадхон, Абобакр мирзо, Султон Саидхон, Абдурашидхон ва ниҳоят, тўртинчи томондан козок хонлари: Гирайхон, Қосимхон, Тохирхонлар, Бўйдошхон бешинчи томондан, сафавийлардан Шох Исмоил Сафавий, Шох Тахмосплар силсилалари асар бўйлаб ҳаракатдадирлар.

Мирзо Хайдар «Тарихи Рашидий»да мирзолар, хонлар, ўзбеклар ва козок ҳукмдорларига доир воқеаларни талқин қилар экан, буюқ инсоншунос сифатида (бу сифат Бобурга ҳам жуда хос эди) ҳар бир ҳукмдорнинг маънавий-ахлоқий оламини ҳам очиқ бериш пайида бўлади.

Муаллиф-адиб бир неча хил ижтимоий сиймоларни китобхон кўз ўнгида тизади. Улуг мақсадли буюқ жаҳонгир ва лашқарбоши ҳукмдорлар: Амир Темур, Туглук Темурхон, Абу-саид мирзо; маърифатли ҳукмдорлар - Мирзо Улугбек, Хусайн Бойқаро, Юнусхон, Бобур мирзо, Убайдуллохон, Султон Саидхонларни бир томондан, разил-шафқатсиз, инсофсиз, мутақаббир, ёвуз хон, шох ва беклар: Абобакр мирзо, Мирзо Али Тоғай, Қучлук, Дўстмухаммадхон, Мухаммадиларни иккинчи томондан гавдалантиради.

Дарҳақиқат, Амир Темур буюқ жаҳонгир сифатида Хиндистондан Туркиягача лашқар тортиб улкан бир мамлакат соҳиби бўлганидек, Абусаид мирзо ҳам Шарқий Туркистондан Кавказ Қорабоғигача чўзилган ҳудудларни ўз забтига олиб, Амир Темурнинг оёғи теккан ерларни яна бир мамлакат холига келтиришга тиришди. Мўғул хонларидан Туглук Темурхон ҳам Чингиз даврида Чигатойга мансуб кенг ҳудудларда ўз ҳокимиятини тиклаш учун Ўрта Осиёга босқинчилик ҳужумлари уюштириб турди ва бу мўғулларнинг салтанати соясидан Амир Темур, Шохруҳ ва Улугбек мирзолар даврида ҳам давлат ҳужжатлари бошида фалон хон номи турарди.

Чунончи, Амир Темур фармонлари «Суюрготмишхон ёрлигидин Темур Қўрагон сўзум»

деб бошланади. Кейинги хукмдорлар ҳам ана шундай фармонлар ёздиришган; ўзларини хон исмидан кейин келтиришган. Бу нохуш анъанага Абусаид мирзогина чек қўйди. Мирзо Улугбек, Хусайн Бойқаро Мовароуннахр ва Хуросоннинг пойтахт шаҳарлари Самарканд ва Хиротни нафакат меъморий обидалар жихатидан, балки илм-фан, маданият ва санъат соҳасида ҳам жаҳонга кўз-қўз киладиган даражага етказдилар. Бобур ва Убайдуллохон ҳам ўзлари буюк шоир, лашкарбоши бўлишлари билан бирга шаҳарсозлик ва илм-фан ривожига катта хисса қўшдилар, ўз саройларида адабий мухит яратдилар.

Мўгул хони Юнусхон тақозоси билан отаси Увайсхон вафотидан сўнг Самаркандга келди. Шохрух мирзо ўн уч яшар Юнусхонни буюк мутафаккир Шарафиддин Али Яздий тарбиясига топширди.

Ўсмир Юнусхоннинг улуг тарихчи хонадонига келиши нақадар қувончли ходиса бўлганлигини Мавлоно Шарафиддин Али Яздийнинг қуйидаги байтидан тасаввур этиш мумкин:

«Хитодан хон келди» деб айтган инсон,
Уйинг куйгур, бундай дегин: «Жон келди, жон!».

Юнусхон йигирма беш ёшларида беш-олти йил Форсда -Шерозда бўлиб, мирзолар салтанатини кўрди. Нихоят, Абусаид мирзо уни Самаркандга чакиртириб шохона зиёфатлар берди ва Ўрта Осиё хукмдорларига расм бўлган давлат буйруқларида хон сўзига барҳам берилганини уқтирди: « Хозир сиз ўзингизнинг аввалги хонлик одатларингизни хатто хаёлингизга ҳам яқин келтирманг: « Яъни, энди шох фармонлари ўз сулоласи номи билан зийнатланади. Бундан буён орамизда фақат дўстлик ва ҳамжихатлик ҳукм суради» деди ва Юнусхонни Мўғулистонга жўнатди. Маърифатли Юнусхон мутафаккир сифатида Абусаид мирзо яхшилигини унутмади ва унинг фарзандларини қуёв қилиб, яхши дўстона қариндош-уруғчиликка асос солди. Бу ҳақда Хайдар мирзо «Тарихи Рашидий»да шундай деб ёзади: «Юнусхоннинг олижаноб қалби маълум даражада хотиржам бўлгач, у Яратганнинг азалий иродасига амал қилиб, яъни «Қачон сизларга бирон ибора билан салом берилса, сизлар ундан чиройлироқ қилиб алик олинглар ёки (ҳеч бўлмаса ўша иборани қайтаринглар)» деган ояти қарима мазмунидан қелиб чиқиб, «Султон Абусаид мирзо азалий адоватни янги дўстлик билан алмаштирди, биз эса шу дўстликни қариндошлик ришталари билан мустаҳкамлаймиз», деди. У Султон Абусаид мирзонинг уч ўғлига - Султон Ахмад мирзо, Султон Махмуд мирзо ва Умаршайх мирзога ўзининг уч кизи - ақлу ибода тенгсиз бўлган Мехр Нигор хоним, Султон Нигор хоним ва Қутлук Нигор хонимни берди».

Тарихдан маълумки, Юнусхон то вафотига қадар ана шу мурасасиз қуёвларининг ўзаро можаро ва урушларига барҳам берувчи ягона мурасасоз шахс сифатида хизмат қилиб келди.

Айтиш керакки, мўгул хонларининг аксарияти Юнусхонга-ча ўттиз ёшлар атрофида ўлиб кетишган. У эса етмиш ёшдан ортик умр кечирди.

Бу ҳақда «Тарихи Рашидий»да шундай қайд этилади: « Юнусхоннинг муборак ёши етмиш тўртга етган эди. Мўгул султонларидан ҳеч бири бу ёшга етмаган, уларнинг кўпчилиги хатто қирк ёшга етмай ўлиб кетишган. У Тошканддаги Шайх Хованд Тахурнинг табаррук мазори ёнига дафн этилган. У ерга машхур улугвор обида қурилган».

Маълумки, Юнусхон макбараси худди Мухаммад Хайдар мирзо ёзгандек, хозир Тошкентда, Шайхонтахурдаги Ислом Университети ховлисида асл холига келтирилиб сақланмокда.

Унинг ўгли Султон Махмудхон ҳам шоир бўлганлигини Бобур зикр этган. Набираси Султон Саидхон ҳам маърифатпарварлик, одамийлик ва инсофни кўзлайдиган, унга амал киладиган киши эканлигини бир неча мисол билан асослайлик: Хисорда исёнчи мўгуллар сардорлари кўпайишиб Бобурни олиб ташлаб, сизни хон кўтарамиз, деб таклиф килишганда Саидхон розилик бермайди. «Бобур Подшоҳ мени халокатдан куткариб тахтга ўтказди», дейди. Саидхонни камонда отиб, икки йиллик ярадорлик азобига гирифтор қилган навкарни тутиб келтиришганида Султон Саидхон уни илик кутиб олиб, ягона тўнини унинг устига ёпиб жўнатади.

Ана шундай, олийжаноб инсонлар каторида феъл-хулқда буларнинг мутлако тесқариси бўлган Кошгар хукмдори Або-бакр мирзо бор эди. Умаршайх мирзога қарши Самарқанд хукмдори Султон Аҳмад мирзо ва Тошкентдан қайноғаси Султон Махмудхон лашқар тортганда, учинчи бўлиб, Лбобакр мирзо Кошгардан Ўш ва Ўзгандга ҳужум қилган эди. «Тарихи Рашидий»ни ўқиган китобхонлар ёвуз типлар тарихан ўзлари аниқ шаклланган ҳолатда эканлигини уларнинг фаолиятдан қузата оладилар.

Абобакр мирзо подшоҳликка эришгунга қадар саховатли киши сифатида кўринади. Аслида эса бу усул ўз атрофига лашқар йиғиш учун тузук олдига сепилган донлар эди, холос.

Тахтга чикқач, у узок йиллар очофатларча мол-дунё йигади. Талончилик ва солиқ-олиқлар билан қаноатланмай эски қалъа-шаҳарларда маҳбусларни қуллардан баттар қийнаб қазиш ишларига сафарбар қилиб, қоп-қоп олтин-қумушлар йигади. У ўзи гуноҳкор ҳисоблаган ёки қўнғлида бир оз шубҳа тугилган кишиларга нисбатан энг ёвуз жазо қораларини қўллайди: Андижон яқинидаги тоғларда яшовчи чакрақларни «Улар менинг ҳаётимга суикасд қилмокчи» дея уч мингдан ортигини қатл эттиради (чакрақлар қаердаю Кошгар қаерда!). Салтанатининг охириги йили ўз шохлигининг икки улуг устунни - Мир Вали ва Шохданани не қунларга солганини эшитган китобхоннинг аъзойи бадани ларзага тушади. Андижонга ҳужум қилиш арафасида сулҳ тузиш учун Султон Саидхон томонидан Саид Мухаммад мирзо ва Абобакр мирзо томонидан Мир Валилар учрашишади.

Сухбат тугагач, Саид Мухаммад мирзо Мир Валига хилватда гапим бор, деб овлоқда бир-икки оғиз сўз айтади. Элчилар қайтгач, Абобакр мирзо элчилар хайъатидан воқеани суриштириб, билиб олади ва Мир Валига «Сенга Саид Мухаммад овлоқда нима деди?» деб суриштиради. У сидқидилдан: «Факат сулҳ ҳақида сўз борди» деса, ишонмайди. Бу ҳақдаги «Тарихи Рашидий» ҳикоясини келтирамиз:

«Абобакр мирзо: «Худди шу сўзларни у қўпчилик олдидан ҳам айтган. Ёлғиз қолганда тагин уларни такрорлашга ҳеч бир ҳожат йўқ эди», деб қўйди-ю, ортик ҳеч нима сўрамади. Шундан кейин у Мир Валидан хавфсирай бошлади. У, Мир Вали Саид Мухаммад билан овлоқдаги гапларни яширяпти, деб ўйлади: «Эҳтимол, у Саид Мухаммад билан иттифок тузиб, менинг ишимга ҳалал бермокчидир». У Мир Валини одамлари билан тутиб, оға-инилари билан биргалиқда қазикка (эски қалъаларни қазишга) жўнатди. Улардан баъзиларини ахта қилдирди, азобларга гирифтор қилди... Мир Вали билан ишни битиргач, Абобакр мирзо Шохдана қўқалдошдан хавфсирай

бошлади. Шохдананинг хаёлига ҳам келмаган, нафакат унинг, хатто бошка бирор кишининг ҳам хаёлига келмайдиган ахмокона фикрлар билан у Шохданани камокка олди. Махкамада унинг соколини юлиб, ахта килишни буюр-ди. Яралари тuzалгандан кейин махбуслар киладиган ишга жўнатди.

Худо денг, одамнинг бахти кайтмасин, Бахт кайтса, кўргилик ёгар хар ёндан. Казою кадарга чора бўлмас ҳеч, Окиллар ожиздир ёвуз фармондан».

Тарихда одатда ёвуз шахслар камдан-кам бу дунёда жазо топадилар. Абобакр мирзо шу дунёда ўз жазосини топган мудхиш нухадир. Султон Саидхон лашкари келиб Кошгар, Янги Хисорни эгаллайди. Абобакр мирзо кочиби «Хўтанга кетди. Бирок Хўтан калъасида қолишга ҳам имкон топмай, Коронгутог томонга жўнади. Коронгутокка етганда оркасидан мўгул лашкарлари келаётгани хақида хабар етди. Йўллар тор эди. Шунча юкни олиб юриш нафакат мушкул, балки иложсиз эди. У ҳамма нарсаларни тўплаб ёкиб юборди. Ишончли одамлардан эшитишимча, буларнинг ичида тўккиз юз хачирга юкланган кимхоб, парча, шойи кийим-кечаклар бўлиб, асосий қисми Оврупо, Византия ва Хитой безаклари туширилиб, зар билан тикилган экан. Кумуш, олтин гулдонларни, идишларни, турли кадама нақшли, кимматбаҳо тошлар билан нақшланган буюмларни, олтин қумлари тўлдирилган хуржунларни Коронгутог оркали оқиб ўтадиган Оккош дарёсига ташлаб юборди», деб ёзади муаллиф «Тарихи Рашидий»да.

Зулм-зўрлик билан йигилган нарсаларнинг «эгаси»га насиб қилмагани қиссаси мана шу. Абобакр мирзо кочиби Тибатга борди ва нажот йўқлигига кўзи етиб, бола-чақаларини қолдириб, ўзи ортга кайтди. Йўлда Саид Мухаммад мирзо юборган ўз мулозимларига дуч келди ва «Мени Султон Саидхон олдига тирик олиб боришлар» деб ялинди. Бирок унинг собиқ мулозимлари Абобакр мирзо уйқудалигида бошини кесиб, Султон Саидхонга олиб бордилар. Унга ўхшаган хонлар, бекларнинг кўп қилмишлари ушбу тарихий асарда ҳаққоний берилгандир: Булар - Дўстмухаммадхон, Мухаммади, Мирзо Лли Тогай сингарилар.

«Тарихи Рашидий»ни тарихий ва эсдаликлар асари десак, бу ёдгорликнинг моҳиятига анча юзаки ёндошган бўламиз. Бу асардан баҳраманд ўқувчи китобнинг теран фалсафий, буюқ ахлоқий-таълимий, нурафшон маърифий обида эканлигига чин юракдан тан беради ва муаллифнинг ардоқли қариндоши - Захириддин Мухаммад Бобур каби қомусий билимли мутафаккир бўлиб етишганини эътироф этади. Биз тарихий асарларни оддий ўқувчи учун севимли китоб бўлиб қолганини жуда қам эшитганмиз. Бирок бу китоб мутолаасига қиришган идрокли, зақоватли китобхон учун «Тарихи Рашидий» севимли асар бўлиб қолади, деб қомил ишонч билан айтаемиз.

Маълумки, Муслихиддин Саъдий Шерозий Шарқда ахлоқ отаси сифатида қонг таратган. Бунинг асосий боиси шоирнинг «Гулистон» ва «Бўстон» асарларидир. Уларда қон хаётий, қон тарихий ҳикоятлар берилиб, эзгу ҳислатлар олқишланган, ёмон феъл-атворлар танқид қилинган. Биз, таржимонлар, «Тарихи Рашидий»ни тарихлар «Гулистон»и деб аташга журъат қилдик. Чунки тарихнинг бош ҳукми:

қилмиш-қидирмишдир. Бировга қон қазиган қиши албатта ўзи унга тушади. Шу маънода «Тарихи Рашидий»да ушбу ҳақиқат исботи Мухаммад Шайбонийхон (асли исми Шохибекхон) қилгиликлари ва қисмати оркали ўзининг яққол ифодасини топган: «Тарихи Рашидий»дан: «Шохибекхон Султон Маҳмудхон ва отам Мухаммад Хусайн мирзонинг тириклик қадахини шахидлик шарбати билан тўлдириб, уни ичишга мажбур қилди. Байт:

Нечук шарбатки сен элга ичирдинг,

Ўзинг ҳам охири уни симирдинг,
деганларидек, Шохибекхоннинг ҳам умр паймонаси тўлиб, бахт ундан юз ўгирди. Омад
жоми - ағдарилди. Бошкаларга ичирган шарбатни ўзи ҳам бир кўтаришда сипкорди. Байт:
Эй кўзум нури, эшит сен, келди пандимни гали:

Тут кадах элга, келар тез сенга навбат ичгали.

Бунинг тафсилоти бундай: у хонларни ва отамни ўлдириб кўнглини хотиржам килгач,
куч-кудрат отини тўрт тарафга караб камчилади, сиёсат ўқларини хар томон караб отиб,
нима килишни хохласа, шуни килди...

Шохибекхон тасарруфидаги ерларнинг чегаралари Ирок заминига бориб туташганда,
ўзбеклар Хуросоннинг ўша чегара кентларига хужумлар уюштиришди.

Шох Исмоил кимматбахо совга-саломлар ва мактуб билан Шохибекхонга киши юбориб,
хатда шундай сўзларни битган:

«Кўп замонлардан бери аҳдномаларга амал килиниб, иккала тарафнинг кўнглига
келишмовчилик чанг-губорлари кўнмаган эди, шу сабабдан орамизда гина-адоват излари
йўқ эди. Агар у тарафдан оталик коидаси намоеън бўлса, бу тарафдан фарзандлик
муносабатлари мустахкамлангусидир. Назм:

Мухолифлик ниҳолин юлки, бергай гам-алам, эй инсон, армон».

Шох Исмоил ана шундай сулх мактубини ёзиб юборди. Унинг элчиси Шохибекхон
даргохига етиб келиб, элчилик расм-русумларини бажарганидан кейин,
совга-саломларини Шохибекхон назаридан ўтказди ва Шох Исмоилнинг мактубини
узатди. Шохибекхон мактуб мазмунидан хабардор бўлди. У муроасага чорловчи мактубга
бундай номувофик жавобни ёзиб юборди: «Хар бир киши онасининг эмас, отасининг
хунари билан машгул бўлгани дуруст. Негаки Узун Хасан кизини (Султон Яъқуб
хамшираси) отанга берган кундан бошлаб у замон маликалари каторидан чиккан.
Бизнинг замонимизда бир она худди мендек султондан бўлган султонни тугмаса эди, сен
она томондан салтанат даъвосини килишинг мумкин эди. Ахир «Ўгил отанинг хунарини
килсин, киз - онанинг» деган макол бор-ку». Назм:

Мамлақату давлат ишин шохлар билар, эй Хофиз,
Фарёд этма, бир гўшада тек тур, сен бир гадосан...»

Шунга ўхшаш сўзлар билан мактубини тугатиб, элчига топширди. Бир таёк, бир жанда,
бир ковок качкул хадя килиб юборди: «Агар сен отанг хунарини унутган бўлсанг, бу
хадялар оркали мен уни ёдинга соляпман». Назм: (Хофиз Шерозийдан):

Насихат тинглагил, жоно, тутарлар жону дилдан дўст,
Ақлли, бахтли ёшлар хурмат айлаб кекса донони.

(Хуршид таржимаси).

Агар оёгингни салтанат тахтига кўйишни истасанг, унда бо-шингни гаровга кўй.

Назм:

Яркирок килични ўпган баходир, Салтанат келинин кучишга кодир».

Шохибек Ирокдан келган элчини жўнатиб, ўзи хазора устига кўшин тортди.

Элчи Шох Исмоил қошига келиб, мактуб ва хадяларни бергач, Шох Исмоил мактуб
мазмуни билан танишди ва мана бундай мазмунда жавоб хати ёзди: «Агар хар бир ўгилга
отанинг хунари билан машгул бўлиш лозим бўлганида эди, унда ҳамма одамларга, улар
Одам алайхиссаломнинг авлодлари бўлганлиги боис пайгамбар бўлиш лозим бўларди.
Агар мерос сифатида фарзандга ўтиши зарур бўлганида эди, унда подшолик
Пешдодийлардан Каёнийларга ўтмаган бўларди. Подшоликни Чингиз қандай йўл билан
кўлга киритгану сен қандай кўлга киритгансан?»

Назм:

Ўлган отанг билан мактанишни кўй,

Итдай суяк билан қувонишни кўй».

Шоҳибекхоннинг тухфасига жавобан унга чарх ва дук жўнатиб, мактубга шундай сўзларни кўшди: « Сен менга номангда нимани ёзган бўлсанг, мен ҳам сенга шуни айтаман:

Яркирок килични ўпган баходир,

Салтанат келинин кучишга кодир.

Энди мен сен билан кураш камарини белимга боглаб, ҳеч бир ҳаялламай оёғимни жанг узангисига кўяман. Агар сен менга қарши чиқсанг, иккимизнинг бир-биримизга қилган даъволаримиз жанг майдонида ҳал бўлади. Мабодо майдонга чиқмасанг, унда мен юборган чархни йигириб ўтиравер». Тагин мана бу байтни кўшиб кўйди:

Кайтар дунёда қолар балога

Ташланса ҳар қим Оли Абога.

Бу мактуб қелган пайтда Шоҳибекхон бутун лашқарини тарқатиб юборган, ўзи эндигина Марвга қелган эди.

У ҳар тарафга шошилиш равишда чаккон одамларни жўнатиб, лашқар йигишни буюрди.

Бирок лашқар йигилиб улгурмай, Шох Исмоил етиб қелди-да, Марв яқинида тўхтади.

Уч кун давомида иккала тараф ўртасида тўқнашувлар бўлиб турди. Бу орада

Шоҳибекхоннинг жангчилари йигилиб кела бошлашди. Шох Исмоил қўнган манзилидан бошқа жойга кўчди. Ўзбекларнинг сокчилари буни кўриб, душман қелганидан пушаймон бўлиб қайтиб кетишпти, деб ўйлади. Бу воқеани Шоҳибекхонга хабар қилишди. Улар

шаҳардан пешин намози пайтида 916 (1510 йилнинг декабри) йилнинг рамазон ойи арафасида чиқишди. Шоҳибекхоннинг лашқарларидан йигирма минг киши тўпланган эди. Амир Камбар, амир Рой сингари айрим маслаҳатчилар шундай кенгаш беришди: « Агар биз бугун жангни қолдирсак, бизга Убайдуллоҳ султон билан Темур султонлар қелиб

кўшилишган бўларди, уларнинг ҳар бирида йигирма мингтадан лашқар бор, биздан бор-йўғи бир фарсах масофа нарида. Душманнинг аҳоли ҳам маълум бўлиб қоларди: улар чиндан ҳам қайтиб кетишдими ёки бизни қалғитмоқчи бўляптими? Агар душман

ростдан ҳам қочган бўлса, уни хоннинг ўзи қувиб юришига ҳожат йўқ, уларни Убайдуллоҳ султон, Темур султон ва бошқа амирлар қувишса ҳам бўлаверади. Хон ҳазратлари шошилмай, хотиржам, дам ола-ола тўғри Ироққача борсалар бўлади. Агар у бу ердан қайтиб кетаётган бўлса, унда халқ уни қувиб хайдайди, унинг Ироқда қилишга қуч-қуввати бўлмаса ҳам керак».

Шунда Шоҳибекхон: «У билан бўладиган уруш - иймон учун бўладиган катта жангдир. Шу билан бирга, бу жанг катта ўлжа ҳам олиб келади. Бу дунё учун ҳам, охираат учун ҳам фойдали ва манфаатли бўлган ишга бошқа султонларни аралаштиришга ҳожат йўқ.

Мардона бўлмоқ лозим», деб жанг қилишга отланди.

Ўнқир-чўнқир жойлардан ўтиб, текис ерга етишганда, қарашса, душман қетмаган экан.

Улар душман лашқари тахминан қирқ минг кишидан иборат бўлса керак, деб тахмин қилишди. Ўзбек жангчилари ҳали саф тортиб улгурмасларидан туркман лашқари улар

устига ташланди. Шоҳибекхоннинг лашқари ўзларидан анчагина кўп душман лашқарини кўриб, оёқлари қалтираб, қўрққанларидан қочишга тушишди. Аммо лашқар сардорлари

охиригача, Шоҳибекхон ва барча лашқарбошилар ўлдирилгунларича мардона туриб курашдилар. Ҳали тарихда ҳеч қачон кўшиндаги барча лашқарбошилар ўлдирилган бундай жанг бўлмаган эди».

Ушбу жанг ўзгача яқунланиши ҳам мумкин эди. Негаки тарихчи Мухаммадёр ибн Араб Катаганнинг «Мусаххир ал-билод» (Мамлакатларнинг эгалланиши) номли асарида айтилишича, Шох Исмоил биринчи тўқнашувдан кейин Шайбонийхонга сулх таклиф қилиб мактуб юборган. У «хатни ўқиб кўрди-ю, аммо ундаги гапларга илтифот назари билан карамади... шохнинг хат келтирган хабарчисини камаб кўйишни буюрди» («Янги 1 аср авлоди» нашр. 2009, 119-бет). Шу тарика Шайбонийхон иккинчи марта тинчлик сулҳини рад этиб, катта хато қилди ва ўз халокатига йўл очиб берди.

Шайбонийнинг Ўрта Осиё шаҳарларига қилган қонли юришлари ана шундай ўз ниҳоясига етди. Тарих ўз ҳукмини чиқарди. Китобхон ҳам ушбу воқеадан ўзига керакли ҳулосаларни чиқариб олади. Булар китобхон идроқи даражасига кўра бир неча бўлиши мумкин: Биринчиси: золимнинг заволи аниқдир.

Иккинчиси: мағрурлик, ўзгани менсимасликнинг оқибати тубан ҳўрлик ва халокатдир. Мактубда Шох Исмоил сулх истамокда, жанг эмас. Шох Исмоилнинг одоб доирасида битилган мактубининг мазмунини билган китобхон, Шоҳибекхоннинг кўпол жавобидан ижирганади. Шох Исмоилнинг иккинчи мактуби гарчи душманга душманлик сўзлари билан жавоб берилган бўлса-да, китобхон унинг мантикий далилларига тан беради. Учинчидан, бировнинг устидан қулиш, ўзгани таҳқирлаш Аллоҳга ёқмайди. Ўша ҳолатга таҳқирланувчи эмас, таҳқирловчининг ўзи тушади.

Тўртинчидан, саломга алик ҳақидаги ҳадис поймол қилинган эди.

Биз бундай бадиият ва таъсирчанликка бой воқеа ва лавҳаларни «Тарихи Рашидий»да кўп маротаба учратамиз. Бадиий асарга хос бундай ифода назокати, воқеадан лўнда ахлокий-таълимий ҳулосалар чиқариш бошқа тарихий асарларда сийрак ёки тасодифан дуч келинади, ҳолос.

«Бобурнома» ва «Тарихи Рашидий»да айрим фактларни айнан бир хил, айримларини бир озгина фарқлар билан такрорланганини кўрамиз. Чунончи, «Бобурнома»да Юнусхоннинг кенжа ўғли Султон Аҳмадхон ҳақида ёзиладики:

«Султон Маҳмудхондан кичиги Султон Аҳмадхон бўлиб, Олачахон исми билан машҳур. Олачахон деб аталишининг сабаби шундаки, айтишларича, калмок ва мўгул тилида қотилни «олачи» дейдилар. Калмоқларни бир неча марта босиб, кўплаб одамларини қиргани учун «Олачи» дейилавериш, истеъмолда Олача аталиб кетган».

«Тарихи Рашидий»дан айни ушбу маълумотларнинг тўлдирилган ҳолатини ўқиймиз: Султон Аҳмадхон «Бир неча марта калмоқларга қарши муваффақиятли ҳужумлар қилди, улардан кўпини ўлдирди. Икки марта Эсан Тойши билан жанг қилиб, ҳар иккаласида қолиб бўлди. Калмоқлар ундан ниҳоятда кўрқиб ва уни Олачахон деб аташган. Бу - мўгул тилида «Қотил хон» деган маънони беради. Бу лақаб хонда умрбод қолган, одамлар уни Олачахон дейишган. Ҳозир мўгуллар уни Султон Аҳмадхон деб, бошқа қавмлар эса «Олачахон» дейишади. Мирхонд, Хондамир Хиравий ва бошқа тарихларда «Олачахон» деб ёзишган».

Бундай муштаракликни Қобулдаги исённи тайёрлаш, ўтказиш ва бостирилиши ҳақидаги «Бобурнома» ва «Тарихи Рашидий»даги талқинлар юзасидан қузатиш мумкинки, иккинчи асар бу исён жараёнига анча-мунча янгиликлар ҳам қиритади. Мухими, муаллиф гарчанд отаси бу ишда гуноҳкор бўлса-да, воқеанинг тўғриси ёзади: Бобур Подшоҳ олийҳимматлилигига бўлган ҳурматини сездириб туради.

Айниқса, ушбу икки асар Хирот адабий-маданий муҳитини ёритишда бир-бирига жуда яқинлашиб кетади, дейиш мумкин. Афтидан, Мухаммад Хайдар мирзо «Вакоеъ» («Бобурнома»)дан яхши хабардор бўлган. Шунинг учун Хирот илм-адаб ҳамда дин

ахллари хусусидаги маълумотлари бир-бирини такрорламайди, балки тўлдириб, мукамаллаштириб боради. Хайдар мирзо маданий-адабий мухит микёсини кенгрок камраб олганидек, диний-тасаввуфий арбоблар ҳаёти ва ижодига ҳам жуда катта ўрин ажратади. «Тарихи Рашидий»даги шоир, олим, рассом, хаттот ва фузалоларнинг исмма-исм кўрсатилгани ва ҳар бири ҳақидаги маълумотларнинг аниқлиги, муҳимлиги кишини хайратга солади. Бу ўринда ушбу маълумотларнинг кўплиги, хилма-хиллиги, мукамаллиги жихатидан «Тарихи Рашидий» «Бобурнома» билан бемалол беллашади. «Бобурнома»да тилга олинган шоиру олимлар ҳақидаги маълумотлар бу асарда янгилиги билан эътиборимизни жалб этади. Хатто «Вакоеъ» («Бобурнома»)да Алишер Навоий ҳақида Бобур канчалик кенг тўхталган бўлмасин, Мухаммад Хайдар мирзо маълумотлари уларни янада мукамаллаштиради, аниқликлар киритади. Чунончи: «Тарихи Рашидий»да Алишер Навоий зикри: «Унинг таҳаллуси - Навоийдир. Унгача ҳам, ундан кейин ҳам туркий тилда ҳеч ким унчалик кўп шеър битган эмас. У шеър илмининг устаси, унинг туркийча шеърларининг шухрати Мулло Жомийнинг форсча шеърлари шухрати билан тенг. У форс тилида ҳам кўп шеърлар ёзган. Форсча шеърларини Фоний таҳаллуси билан битган. У Хожа Хофиз Шерозий девонига назира тарзида девон тузган. Хожа Хисрав Дехлавийдан кейин «Дарёи аброр» («Яхшилар дарёси») касидасига ҳеч ким Мир Алишер Навоийчалик жавоб ёзолмаган. Мана ундан бир байт:

Оташин лаълеки тожи хисравонро зевар аст,
Ахгаре баҳри ҳаёли хом пухтан дар сар аст.

Мазмуни:

Шохлар тожидаги олов ранг лаъл тош,
Чўёдирки пиширар хом ҳаёлин бош.

Ҳазрат Маҳдум - инсониятнинг ифтихори Мавлоно Абдурахмон Жомий ҳаж сафаридан кайтганларида Алишер Навоий уларга мана бундай рубоий ёзиб жўнатган:

Инсоф бидех, эй фалаки минофом,

То з-ин ду кадом хубтар кард хиром:

Хуршеди жаҳонтоби ту аз матлаъи субҳ

Ё мохи жаҳонгарди ман аз жониби Шом?

Мазмуни:

Ўзинг айтакол, эй зангори кўк сан Бу иккидан қайси хушхиром экан? Сенинг жаҳонкезар тонгги куёшинг Ё элкезар ойим - кайтгучи Шомдан?

Унинг учта туркийча, битта форсча девони бор, у «Тазкират ул-авлиё»ни туркийча битган, «Хамса»ни туркийча назм килган. Булардан ташқари, унинг жуда кўп асарлари мавжуд, битта девондан ташқари барчаси туркий тилда ёзилган.

Унинг келиб чиқиши бахшиларга бориб такалади. Отасини «Кичкина бахши» дейишган, у саройда амалдор бўлган. Мир Алишер болаликдан Султон Хусайн мирзо билан дўстлашган. Султон Хусайн мирзо подшоҳ бўлгач, Алишер Навоий унинг хизматига келган, мирзо уни беҳад кадрлаб, гамхўрликлар кўрсатган, Мир Алишер эса халққа худди шундай гамхўрлик килган.

Шундай қилиб, ўша замонда халқнинг турли тоифалари ичи дан фозил, беназир инсонлар чиккани унинг саъй-ҳаракатлари туфайлидир. У амир сифатида шундай жидду жаҳд кўрсатдики, натижада катта бойлик тўпланди, дехқончиликдан ва бошқа тарафлардан тушган кунлик даромад ўн саккиз минг шохрухийни ташкил этган. Ўз амирлик мансабининг барча жихатларини - хизматкорларни, мулозимларни, хазинани,

сайисхонани, подшоҳлик иморатларини у Султон Хусайн мирзонинг ноиби амир Бобо Алига топширган. Бу ўша даврнинг энг буюк сипоҳларидан эди. Мир Алишер амалдорлик ишларини йигиштириб кўйиб, бошқа амалдорлар ва мулозимлар билан бир каторда ўзини Султон Хусайн мирзо хизматиغا бағишлади. У ўзига ёрдам сўраб мурожаат қилган мухтожларга, олиму фозилларга кудрати етганча хомийлик қилди. Ўз мулкидан тушган барча даромадни эл-юрт фаровонлиги учун хайрия ишларига сарфлади. У хонакоҳлар, масжидлар, бошқа иморатлар қурдирдики, уларнинг кўпчилиги то ҳозирги кунгача Хуросонда сақланган. Эҳтимол, шунча кўп қурилишларни амалга ошириш бошқа бировнинг кўлидан келмаган бўларди. Ўша пайтда бирорта олиму фозил киши йўқ эдики, унга Мир Алишер хомийлик қилмаган бўлсин. У беҳад зукко ва заковатли киши эди. У бошқаларда ҳам худди шундай фазилатлар бўлишини хоҳлар, бунга эришиш кийин бўлар, шундан одамларда гинахонликлар содир бўларди. Унинг нозик мизожлиги ва тез ранжиб қолиш хусусиятидан бошқа камчилигини топишолмаган. Гарчи у фозил ва беҳад давлатманд киши бўлса-да, бутун қимматли ҳаётини нафсини тийиш ва хайрли ишлар билан ўтказди. Байт:

Теран денгизларнинг махсули гавхар,

Инсонга кераги - бир яхши хунар.

Демак, Мир Алишернинг битта камчилиги - нозик мизожлигидан ўзгаси бутунлай фазилат эди».

Кўриняптики, озгина бизга маълум маълумотларни ҳисобга олмасак, муаллиф шоир ҳаёти ва ижодининг асосан янги-янги қирраларини кашф эта борган.

Биной билан Навоий зарофатлари баҳсида ҳам «Тарихи Рашидий» «Бобурнома»даги маълумотларни такрорламасдан фақат янги-янги воқеаларга қитобхон диққат-эътиборини тортади. Хатто бизга ривоят тарзида - самарқандлик қаландардан сотиб олинган байтнинг:

Кўкрагимдур субхнинг пироханидин чокрок.

Кипригим шабнам тўқулган сабзадин намнокрок,

муаллифи номаълум эди. Мухаммад Хайдар мирзо буни аниқлайди. Байтнинг ижодкори Мавлоно Соҳиб Доро экан. Бу ва шу сингари кўпдан-кўп муҳим фактларга ушбу парчадаёқ назаримиз тушади.

Биз «Тарихи Рашидий» таржимасига қиришганимизда унга савол бизни қизиқтириб қўйди. Булар: Мўғулистон қаер? Мўғуллар қайси тилда гаплашишган? Уларнинг юз тузилишлари монголоидми?»

Асар таржимаси бизга шундай жавоблар берди.

XV-XVI асрдаги Мўғулистон деган жугрофий тушунчага Хуросон, Мовароуннахр, ҳозирги Қашқару Бадахшонгача, Хиндистон шимолидан бутун Олтой ўлкаси ҳудудлари қирган. Ҳозирги география билан собиқ Мўғулистонга (Монголия эмас) дахлдор ерларни белгиласак: Шинжонг автоном райони ерлари, Қозоғистоннинг қатта қисми, бутун Олтой ўлкаси, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон ерлари эди. Бинобарин, муаллиф мўғул хонлари тарихи деб ҳисоблаган «Тарихи Рашидий» асари аслида биз туркийларнинг ҳам тарихимиз бўлиб ҳисобланади.

Мўғуллар саройда ва уйларида туркий тилда гаплашишган. Саройда тожик тили ҳам амал қилган. Биз мўғул деб атаган ва ўзларини мўғул ҳисоблаган Султон Маҳмудхон, унинг қизи Мўғулхоним (Ойиша Султон хоним), Султон Саидхонлар ва Мухаммад Хайдар мирзо шеърлари худди Бобурникидай эски ўзбек тилида битилган.

Бу фикримизни «Тарихи Рашидий»дан олинган ушбу парча ҳам тасдиқлайди: «Амақимга

ва Рашид Султонга айтган сўзлари асосли бўлиши учун Султон Саидхон буларни туркийча айтди. Бу унинг табиатига хос хусусият эди».

Мухаммад Хайдар мирзо Мўгулистон хони Султон Саидхон хакида «Тарихи Рашидий»да ёзадики: «Насхтаълик хатида чиройли ёзарди. Имлоси форсийда ҳам, туркийда ҳам, арабийда ҳам тўгри ва бекаму кўст эди. У туркийда чиройли килиб иншо тузишда беназир эди. Бунакаси кўплаб билимдонларнинг кўлидан келмасди. У ўйлаб ўтирмасдан шеър тузарди. Ўйгинлар ва сухбатлар пайтида олдидаги кандай девонни очишмасин, ўша шеърларнинг исталган вазни ва кофиясига мослаб, бадиха шеър тўкиб ташларди... Хон ўйгинлар пайтида тўкиган бадихалардан айримларини мен эслаб колганман. Кайси гулшаннинг юзингдек бир гули раъноси бор, Кайси гулнинг бир манингдек булбули шайдоси бор? Хур бирла жаннат ул-маъвони кўнглум найласун, Ёрнинг кўйида юз минг жаннат ул-маъвоси бор... Юзи узра кокилу зулфин паришон кўргали Эй Саид, ошуфта кўнглумнинг ажаб савдоси бор...

Бир кун мен хондан форсийда бадиха айтишини илтимос килдим. Каттик сўрайверганимдан кейин хон Хожа Хасаннинг шу ерда турган девонини очишни буюрди. Очган эдим, бир газал чикди. Матлаидаги биринчи мисра будир:

Эй зи сар то ба кадам жони каси, (Эй сен, бошдан-оёк бировга жонсан).

Ўйгинда хозир бўлган одамлар ҳам бадихагўйлик кила бош-лашди. Хон шундай байт тўкиди:

Чанд гўйики: Бигў жони каси?

Рост гўямки, туи хони касе.

(Неча дерсен: «Айт, кимнинг жонисан?»)

Рост сўзлай: «Ўзинг биров хонисан».

Мана шу синов байтидан ҳам у нечоғлик иктидор эгаси бўлганлиги кўришиб турипти». Мўгуллар тили хусусидаги ушбу карашларимиз «Марказий Осиё ва Хиндистон тарихида Бобурийлар даври» тадқиқотини яратган олим Гофуржон Сатимовнинг хулосаларига муштарак бўлиб чикди: «Бобур яшаган даврга келиб, - деб ёзади монография муаллифи, - чигатой улусида истикомат килаётган мўгуллар ҳам туркийда сўзлашар ва махаллий аҳоли билан коришиш натижасида улар ўзларининг асл тили ва маданиятини бутунлай унутиб юборган эди ва кўпинча уларнинг махаллий туркий кавмлардан фарқлаш кийин кечарди. Бобур гапирган ва ёзув ишларини олиб борган тил - чигатой туркий тили деб аталиб, чигатой улусининг барча худудида шу тилда сўзлашлар эди».

Энди мўгул ҳукмдорларининг юз тузилишлари хакидаги маълумотга мурожаат этайлик. «Тарихи Рашидий»да Хожа Убайдуллох Ахрорнинг Маргилонга Султон Ахмад мирзо ва Умаршайх мирзони яраштиришга ташрифлари хакидаги маълумотларда мўгул хони Юнусхон хусусида бизга керакли чизгилар бор:

«Юнусхон Эшонни кутиб олишга ёлғиз борди. Эшон якинлашганда хон отдан тушдида, отини бир жойга боғлаб кўйиб, лаъл товоқдай юзини кора тупрокка кўйиб турди. Эшон хазратлари якинлашиб келганларида Эшоннинг хонни танийдиган муридларидан бири: «Мана шу Юнусхон бўлади» деди. Эшон хазратлари изтироб билан отдан тушиб, хоннинг бошини ердан кўтариб, уни дуо килдилар.

Эшон хазратлари Маргилонга келганда айтган эканлар: «Мен Юнусхонни мўгул деб эшитгандим ва мўгулларни соколсиз, киликларини сахройилардек тасаввур килар эдим. Аммо хонни кўрганимда фикрим ўзгарди. У соколли, хушмуомала, очик чехра киши экан. Бундай назокатли ва зукко муомалали киши кам топилади. Бундай киши донишманд

Мирзо Улугбеккача ва ундан кейин ҳам бўлмаган».

«Тарихи Рашидий»да чигатой сўзи матндаги ўрнига кўра тўрт маънода кўлланади:

- 1) исм, Чингизнинг ўгли;
- 2) Чигатойдан таркалган мўгул хонлари;
- 3) чигатойлар - теурийлар;
- 4) чигатойлар - бобурийлар.

Биз ушбу асар таржимасини ният килганимизда максадимиз илмий матн яратиш эмас, балки оммабоп «Тарихи Рашидий»ни бунёд этиш бўлди. Токи ўзбек халки худди «Бобурнома»ни ўз тилида ўкиганидай мириксин, дедик. Чунки бу тарихий асарнинг адабий-маърифий киммати «Бобурнома»дан қолишмайди.

Япон олими Эйжи Мано Марказий Осиёнинг XV-XVI асрлардаги тарихини «Бобурнома» ва «Тарихи Рашидий» асосида яратиш мумкинлиги тажрибасини «Бобур ва унинг даври» номли фундаментал тадқиқотида исботлаб берди. Биз эса бу таржимамиз билан ушбу минтака аҳолисининг тилдош, дилдош ва маданиятдош халқлар эканлигини тасаввур эттириш учун, бу икки асар бир-бирининг давоми дегулик хулосага келтиришга кўмаклашдик, холос.

«Тарихи Рашидий» XVIII асрдан бошлаб хозиргача дунёнинг 10 дан ортиқ тилларига таржима килингандир. Жумладан, инглиз (бир неча мартаба), немис, француз, хитой, козок, турк, уйгур, рус, киргиз ва бошқа тилларга ўгирилганини ҳисобга олсак, ўз тарихимиз ва маънавиятимизнинг мумтоз манбаи бўлган «Тарихи Рашидий» аллақачонлар ўзбек тилига таржима килиниши лозим эди, дегимиз келади. Не бахтки, бу юмуш бизнинг зиммамизга тушди.

Мухаммад Хайдар мирзонинг «Тарихи Рашидий» асарини форсий тилда нашрга тайёрлаган, илмий-танқидий матн яратган, ўз тилларига таржима килган ва илмий муомалага киритган: туркийларнинг фозил фарзандлари - Мухаммад Содик Кошгарий, Мулло Мухаммад Ниёз Абдулғафур ўгли, инглиз олимлари Денисон Росс, Уильям Эрскин, Томас Арнольд, Америка олими Уилер Текстон, француз олими Рене Гроссе, Эрон олимлари Хусайн Размжў, Кози Аҳмад Татавий, ўзбек олимлари Хамидулла Хасанов, Бўрибой Аҳмедов, Асомиддин Ўринбоев, Азамат Зиё, Сабохат Азимжонова, Омонбек Жалилов, Гулом Карим, Раъно Жалилова, Лариса Епифанова, козок олимлари Абдусаттор Дербесали, Ислом Жеменей, Б. Комаков, Байузак Кожабекули Албани, уйгур олимлари Аюпжон Элиуп, Раҳматулла Жорий, Мухаммадтурди Мирзоаҳмад, Фарход Жолан, Мирсултон Усмонов, рус олимлари В.В.Бартольд, В.В.Веляминов-Зернов, Т.Султанов, озарбайжон олими Азиз Мираҳмедов, хинд олими Мухаммад Косим Хиндушоҳларнинг арзанда хизматларини кайд этамиз.

«Тарихи Рашидий» яратилгандан бери ўтган давр мобайнида бу асардан кўплаб турли савиядаги котиблар нусхалар кўчиришган, таржимонлар бир неча мартаба туркий тилга ўгирганлар. Ана шу жараёнда нусхалараро фарқлар тобора кўпая борган.

«Тарихи Рашидий»нинг нусхалараро фарқларининг гоят кўплиги ўқувчини хавотирга солмаслиги учун (бунга асос ҳам йўқ даражада) илмий-шарҳий аппаратга мурожаат этмадик. Бирок умидимиз борки, ҳар қандай талабчан тарихчи олим асар таржимасидаги аслиятга мувофиқликдан қониқади. Чунки биз фарқларга барҳам беришда ақл-идрок ва воқеликка мосрок келадиган ҳолатларни яратишга уриндик, муаллифга содик котиблик учун гайрат килдик.

Муайян асарнинг ёзилиши ёки таржима килинишига ҳақиқий ижрочи - муаллиф ва таржимондан ҳам ҳиссаси муҳимрок бўлган - тавсия этувчи, буюртма берувчи киши

сабабчи бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов «Маънавиятимиз фидойиси» деб алкаган Бобур жамоат фондининг раиси Зокиржон Машрабов агар бизнинг диққатимизни «Тарихи Рашидий»га тортиб «Бу иккинчи «Бобурнома»дир», дея бу асар таржимасига бизни жалб этиб, моддий ва маънавий мадад бермаганларида биз бу иш ижросига киришмаган бўлардик.

Биз бу хизматни зиммамизга олиб кўшимча манбалар излаётган пайтимизда (гарчи кўлимизда «Тарихи Рашидий»нинг Текстон тайёрлаган илмий нашри (Гарвард, 1996) ва ушбу асарнинг Асомиддин Ўринбоев, Р. П. Жалилова ва Л.М. Епифановалар 1996 йилда рус тилига ўгирган таржималари бўлса-да) Зокиржон Машрабов Бобур ва унинг топилмаган асарларини излаб Хитойга сафар килдилар ва бизга ҳам аскотган - «Тарихи Рашидий»нинг Мухаммад Ниёз Абдулгафур ўгли бажарган туркий таржимасини - Шинжонг халк нашриётида босилган (2007 йил) икки жилдли китобни олиб келдилар. Ва бизга шундай истак билдирдилар:

«Ушбу ўзбекча таржима «Тарихи Рашидий» таржималарининг энг мукаммали ва ўқимишлиси бўлса эди». Шунинг учун биз асарни илмий таржимадан кўра, бадиий таржима бўлиб шаклланиши учун кўпрок харакат килдик. Мукамаллик учун бир неча нусхалардан фойдаландик. Ўқимишлилик савиясини ўйлаб, шеърлар мазмунини бериш билан чекланмай, уларнинг шеърини таржимасини яратишга уриндик.

Амир Темур ва темурийлар, Бобур ва бобурийларнинггина эмас, балки ўзбек халқи фани, маданияти, адабиёти ва санъати намояндаларининг чет элларда хоклари колган вакиллари ва уларнинг маънавий меросларини излаб топиш ва ўрганишда буюк жонкуярлик кўрсатиб келаётган Зокиржон Машрабовнинг «Тарихи Рашидий»ни она тилида ўқишни бежиз орзу килмаганликларини биз асарни таржима килиб бўлгандан сўнг теранрок тасаввур этдик.

Бизга иш жараёнида, тахририда илмий маслахатчи ва мададкор бўлган шаркшунос олим Гулом Каримнинг хизматларини кайд этамиз. Чунки бу олим кисман бўлса-да, «Тарихи Рашидий»нинг ўзбек тилидаги таржимасига замонамизда илк кўл урган мутахассисдир. Шунинг учун биз табаррукка Гулом Карим таржималарини матн таркибига киритдик. «Тарихи Рашидий»нинг муаллифдошликда рус тилига деярли тўла таржима килган мархум устод Асомиддин Ўринбоевнинг ҳам бизга намуна берганликларини уқтирамиз. Матн сахиблиги ва воқеа-ходисалар талкинида сергаклик ва синчковликни биз кўпрок ушбу русча таржимадан ўргандик, дегимиз келади. Таржиманинг матн тахририда адиб Хайриддин Султонов, тарих фанлари доктори Абдумажид Мадраимов, филология фанлари доктори Ансориддин Иброхимов ва шоир Абдухамид Пардалар сидкидилдан имдод кўрсатдилар.

Шунинг учун биз ушбу «Тарихи Рашидий» асари таржимасининг сабабчиси - Зокиржон Машрабовга, таржима аниқлиги ва матн сахиблигига кўз-кулок бўлган шаркшунос олимлар Абдумажид Мадраимов ва Гулом Каримга, адиб Хайриддин Султоновга, хиндшунос олим Ансориддин Иброхимовга, шоир Абдухамид Пардага беминнат мададлари учун миннатдорчилигимизни билдираамиз.

Бу асардаги воқеалар кечган музофот-худудларнинг деярли бир китъа доирасича кенглиги, асар тилида қадимий туркий, мўғул, хинд, уйгур, калмок, помир, хитой, Кашмир, Тибет, араб, форсий сўз ва истилохларнинг жуда кўплиги хар қандай таржимонни кийнаши табиийдир. Чунки муайян бир сўз кайд этилган тилларда XVI асрда қандай

бўлса, хозир жуда ози ўз холида сакланган, бунинг устига араб алифбосидаги ёзувда бир сўзнинг хар хил ўкилиши хусусиятлари ишимизни кийинлаштирганидек, нусхалар орасидаги фарклар шу жараёни янада мураккаблаштирди. Ана шундай кийинчиликлар олди-да таржимонларнинг холи не кечишини тарихчи олимларимиз аниқ тасаввур эта оладилар, деб ўйлаймиз.

Хадик ва шубха калкони калчалик маҳкам тутмайлик, тарихчи олимларимиз мададига калчалик сунмайлик, ушбу ишда талай нуқсонларга йўл қўйганлигимизни таъкидлаймиз. Чунки асар хажми йирик, ўнлаб соҳаларга тегишли сўз ва истилохлар, ўнлаб тилларда сўзлашадиган ҳудудлар тарихи-га тегишли реалийлар талқинида хато қилмаслик ҳақида оғиз очиш имконсиздир. «Тарихи Рашидий»дай комусий асарни таржима қилиш журъатини бизга ўзбек адабиётидан Алишер Навоий «Хамса»сини нашрга тайёрлаганимиз ва Гёте асарларини таржима қилганимиз сингари тажрибаларимиз берди. Бирок журъатнинг ўзи хали муваффақият гарови бўла олмади. Хар бир фан ва соҳанинг ўзига хос сир-синоатлари бўладики, бошқа яқин соҳа кишиси ҳам бундан беҳабар қилиши аниқдир.

Шунинг учун «Тарихи Рашидий»нинг мазкур таржимасида йўл қўйилган хар қандай нуқсон ва кемтиклар ҳақидаги мутахассислар фикр ва мулоҳазаларини биз бажону дил қутамиз ва эътиборлари хурмати учун олдиндан уларга ўз миннатдорчилигимизни изҳор этамиз.

Ваҳоб РАҲМОНОВ, филология фанлари номзоди, доцент,
Янглиш ЭГАМОВА, филология фанлари номзоди, доцент

Сайтимизни кузатиб борсангиз ушбу китоб тўлиқ сайтга қўйилади... Китобни харид қилмоқчи бўлганлар эса "Шарк зиёкори" китоб растларидан харид қилишлари мумкин. Китоб нархи 34 000 сўм.